

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМЛИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

АҲМЕДОВ БЕҲЗОД МАДАМИНЖОНОВИЧ

**СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ИСЛОМ ДИНИГА НИСБАТАН
СИЁСАТИ (XX АСРНИНГ 20-30-ЙИЛЛАРИ)**

5А 111601 «Маънавият асослари»

Маънавият асослари магистри даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
т.ф.д, проф.И.А.Алимов**

Андижон - 2013

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I.Ўзбекистонда мактаб ва мадрасалар фаолиятининг чекланиши.....	12
1.1.Совет ҳукуматининг ислом дини ўчоқлари-мактаб ва мадрасаларга муносабати.....	12
1.2.Мактаб ва мадрасалар фаолиятига чек қўйилиши.....	21
II. Большевикларнинг вақф мулкларини чеклашга доир сиёсати.....	28
2.1.Совет ҳокимияти йилларида вақф мулкларининг ҳолати.....	28
2.2.Вақф мулкларининг тугатилиши.....	35
III.Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги мусулмон руҳонийлари, диний муассасаларга нисбатан зўравонлик сиёсати ва унинг оқибатлари.....	45
3.1.Советларнинг диндорлар ва ислом уламоларига қарши шафқатсиз кураши.....	45
3.2.Диний муассаса ва ташкилотларга нисбатан олиб борилган кескин сиёсат ва унинг оқибатлари.....	52
Хулоса.....	59
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати.....	66

К И Р И Ш

Масаланинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг истиқлол йилларида маънавият сарчашмаларидан бири бўлган ислом дини ҳамда диний кадриятларни тиклаш йўлида хайрли ишлар амалга оширилди. Чунки XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги Ўзбекистон тарихида янги даврни бошланганлиги билан характерланади. Мустақиллик йилларида жамиятда туб бурилишга сабаб бўлувчи воқеалар содир бўлди. Жумладан, дин ва диний кадриятларга муносабат янада тубдан ўзгарди, ҳақиқий маънодаги виждон эркинлиги қарор топди.

Маълумки, ислом дини юксак маънавият сарчашмаси ва ахлоқ мактаби ҳисобланади. “Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилиш, уни асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда”,¹ - дея таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов.

Бундан ташқари, “дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи экани, охиратнинг мавжудлигини эслатиб туради, одам боласини хушёр бўлишга, эзгулик йўлида яхши из қолдиришга ундайди. Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз, диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берилади”².

Ўзбекистон фуқароларининг виждон эркинлигини кафолатлайдиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун ҳисобланади. Ўзбекистон Конституциясида таъкидланганидек, “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”³. Шунингдек, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда Ўзбекистон фуқаролари динга муносабатидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар” – деб ёзилган⁴.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йиллариданок диний ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатди ва узвий ҳамкорликни таъминламоқда. Шу мақсадда 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил қилинди. Диний ташкилотларнинг манфаатларини давлат

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.-Б.37.

² Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б.15.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент:Ўзбекистон, 1992. –Б. 8.

⁴ “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” (янги таҳрир). Ўзбекистоннинг Янги Қонунлари. – Тошкент: Адолат, 1998. –Б. 225.

сиёсатида ифода этиш ушбу кўмитанинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Республикада виждон эркинлигини жорий этилиши, аҳолининг диний маросим ва урф-одатларни адо этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Ушбу мақсадда янги масжид ва мадрасалар қурилди, эскилари эса таъмирланди.

Мусулмонларнинг қутлуғ саналари – Қурбон ва Рамазон ҳайитлари кунларини доимий суръатда байрам қилиш ва ушбу кунларни дам олиш кунлари деб эълон қилиниши ҳам халқнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарди ва мустақиллик неъматларидан бири бўлди. 1992 йил 27 мартда Республикамиз Президенти мусулмонларнинг истак ва хохишларини инобатга олиб ҳамда фуқаролар ўртасида меҳр-оқибатни барқарорлаштириш мақсадида “Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида” фармон эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 майдаги қарори билан Тошкентда Халқаро ислом тадқиқот маркази ташкил қилинди. Ушбу илмий муассаса ислом таълимоти ва фалсафасини ўрганиш, ўзбек халқини мусулмон маданияти, тарихи билан таништириш ва диний ўқув қўлланма ҳамда китоблар чоп этишдек хайрли вазифаларни бажармоқда.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти-ISESKO томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрини “Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши маънавий ҳаёт соҳасида муҳим аҳамият касб этди.

Юқоридаги ижобий жараёнлардан келиб чиқиб, узоқ бўлмаган ўтмишда, яъни совет ҳокимияти йилларида, хусусан XX асрнинг 20-30-йиллардаги ислом дини ва диндорларга қандай муносабатда бўлинганлиги, ушбу сиёсатнинг асл мақсад-моҳиятини англаш, ундаги жараёнларнинг ўзига хос жиҳатлари, унинг оқибатларини таҳлил этиш ҳам бугунги кунда мавзунинг долзарблигини ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад тарихий далилларга таянган ҳолда Ўзбекистонда XX асрнинг 20-30 йилларида ислом дини тарихининг совет даврини илмий жиҳатдан ҳолисона очиб беришга қаратилган. Совет ҳокимиятининг дин ва диний муассасаларга нисбатан даҳрийликдан иборат ноҳолисона сиёсати, бу амалиётнинг аянчли асоратлари очиб берилиши диссертация мақсади доирасига киради. Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, магистрант ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўйган:

- XX асрнинг 20-30-йилларида совет давлатининг ислом динига бўлган муносабатидаги ўзгаришларнинг омил ва сабабларини очиб бериш;

- 1925-1928 йилларда Ўзбекистонда юритилган диний сиёсатнинг зиддиятли моҳиятини кўрсатиш;

- худосизлик учун кураш, унинг сабаблари ва салбий оқибатларини илмий жиҳатдан таҳлил этиш;

– масжидларни очиш жараёни, мактаб ва мадрасалар ва уларнинг фаолияти совет идораларининг қаттиқ назорати остида бўлганлигини ёритиш;

– мусулмон диний ташкилотларига тегишли вақф мулкларининг советлар томонидан мусодара қилинишини таҳлил қилиш;

– совет органлари томонидан Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам қилишга рухсат берилмаганлигининг сабабларини ҳамда диний маросимларни таъқиқлашдаги омилларни манбалар орқали тадқиқ этиш;

– Ўзбекистонда юритилган диний сиёсатда кескин йўл тутилишининг моҳиятини кўрсатиш.

Мавзунинг тадқиқ қилинганлик даражаси. Тадқиқотнинг назарий асосини Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари ва миллий истиқлол ғоясига доир билдирган фикр ҳамда нутқлари⁵ ташкил этади.

Совет даврида фақат мафкуравий мақсадга қаратилган оммабоп рисола, китоблар ёзишга совет ва партия органлари томонидан буюртма берилар эди. Бир қатор шарқшунос ва файласуфлар ислом тарихи мавзусида докторлик диссертациялари ва монографиялар яратганлар. Мавзуга оид совет даврида чоп этилган аксарият адабиётлар коммунистик мафкура талаблари асосида ёзилган.

Ижтимоий фан вакилларининг кўплаб илмий-оммабоп рисолалари ислом дини, унинг тарихи, муқаддас китоб Қуръон таърифига бағишланган⁶. Бу рисолалар

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Тошкент: Ўзбекистон, 1992; Ўша муаллиф. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995; Ўша муаллиф. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997; Ўша муаллиф. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998; Ўша муаллиф. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.- Тошкент: Шарқ, 1998; Ўша муаллиф. Юксак маънавият енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008; Ўша муаллиф. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

⁶ Платонов Г.В. Дарвинизм ва дин. -Т., 1956; Долгих Ф.И. Нима учун динга қарши курашамиз. -Т., 1961; Петрушев Д.А. Ислам дини ва унинг реакцион моҳияти. -Т., 1961; Юсупов Э. Ислам динининг келиб чиқиши ва унинг зарарлари. -Т.,1962; Ерисиев А. Дин халқлар тенг ҳуқуқлиги ва дўстлигининг душманлари. – Т., 1962; Болтанов Р. Гильфанов И. Реакционная сущность корана. –Казань, 1962; Абдуллаев В.М. Что такое Коран. –Махачкала, 1963; Ортиқов А. Қуръон ҳақида танқидий мулоҳазалар. -Т., 1963; Шермухамедов С.Ш. Дин ва шахс. -Т.,1963; Агаронян А. Дин йўлидан дил йўлига. –Т., 1970; Абдусамедов А.И. Фан ва дин. – Т., 1971; Шермухамедов Я. Яхшилик ва ёмонлик. – Т., 1972; Дин – маънавий оғунинг бир тури. Мақолалар тўплами. -Т.: Ўзбекистон, 1972; Умаров М. Сароб ва ҳақиқат. –Т., 1972; Усмонов М.А. Ислам ақидалари ва уларнинг моҳияти. –Т.:Ўзбекистон, 1972; Саидбаев Т. Совет турмуш тарзи ва ислом дини. -Т.,1979; Ортиқов А. Ижтимоий тараққиёт ва диннинг кризиси. –Т.,1979; Ортиқов А. Ўзбекистонда ислом ва мусулмонлар аҳволини сохталаштиришларни танқиди. –Т.,1981; Алимов Қ.З. Ислам дини ва ҳозирги идеологик кураш вазифалари. –Т., 1983; Саидбаев Т. Ислам и общества. -М.:Наука, 1984; Жабборов С. Қуръон афсоналари ва ривоятлари. -Т.:Фан, 1986; Ахмедов О. Ислам ва ҳозирги ғоявий-сиёсий кураш. -Т.: Ўзбекистон, 1986; Ежов А.Ф Ислам реакция ва антикоммунизм хизматида. -Т.:Ўзбекистон, 1986; Ҳикматов Ш.М. Ислам ақидалари ва антикоммунизм. –Т.: Ёш гвардия, 1986; Усмонов М. Ислам динининг реакцион моҳияти ва атеистик тарбия. -Т., 1986; Жуманазаров У. Дин ва унинг социал пуч моҳияти. –Жиззах, 1987; Дин ҳақида ўйлар. Тўплам тузувчилар: Х.А.Алиқулов ва б. -Т.,1988; Ш.Иброҳимов. Дин ва миллий муносабатлар. – Т., 1991.

муаллифлари совет давридаги ҳукмрон мафкура нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ислом дини таълимотига салбий баҳо берганлар. Ислом динининг барча ақидалари “реакцион аҳамиятга эга”, деб баҳоланган. К.Маркснинг “дин халқ учун афъюндир”, деган шиори ислом динига ҳам тамомила тааллуқли деб ҳисобланган.

А.Абдусамедовнинг “Социал тараққиёт ва ислом” номли китобида⁷ республика ҳудудида ислом динининг октябрь тўнтаришидан олдинги ва социализм шароитидаги ҳолати марксча-ленинча нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги ўзгаришлар, диний ҳуқуқларнинг чекланиши, динга қарши курашнинг авж олиши туфайли ислом дини мавқеининг тушиб кетиши, материалистик-атеистик дунёқарашнинг қарор топиши бўрттириб ёритилган.

И.Жабборов “Зулматдан маърифатга” номли асарида⁸ ўзбек халқининг октябрь тўнтаришидан олдинги ва социализм шароитида ижтимоий-иқтисодий ҳаётда юз берган ўзгаришлар натижасида хурофотдан оммавий даҳрийликка ўтиш жараёнини кўрсатишга ҳаракат қилган. Булардан ташқари, ислом дини тарихи ҳамда диний маросимларига бағишланган бир неча асарлар яратилган⁹. А.Алимуҳаммедовнинг “Ислом динидаги маросимчилик ва урф-одатлар” номли китобида руҳонийларнинг диний маросимлар, жумладан, намоз, рўза ва рўза ҳайити, қурбонлик ва қурбон ҳайити, мавлуд, хатна ва хатна тўйи ва бошқалар ҳақидаги ислом талабларини қайта кўриб чиқиб, уларни замона руҳи билан суғорилган ҳолда социализм шароитига мослаштиришнинг ўзига хос йўлларини кўрсатишга уринган ва шу йўл билан гўёки муаллифлар диний маросимларни сақлаб қолишга ҳаракат қилган.

Совет ҳукмронлиги йилларида диний маросимлар ва урф-одатлар, жумладан, авлиёларни, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш, диний арбобларни, олимларни хотирлаш кабилар бидъат деб тарғиб қилинди. Қадамжоларни зиёрат қилишга қарши кураш, айниқса, КПСС МКнинг “Муқаддас жойларга сиғинишга қарши кураш тўғрисида”ги қароридан кейин кучайди ва бу мавзуга бағишланган кўплаб китоблар чоп этилган.¹⁰ Булар, асосан, илмий-оммабоп рисоалар бўлиб, уларнинг муаллифлари ўрта

⁷ Абдусамедов А.И. Социал тараққиёт ва ислом. – Т.: Ўзбекистон, 1984.

⁸ Жабборов Исо. Зулматдан маърифатга. – Т.: Ёш гвардия, 1984.

⁹ Сиддиқов Т. Рўза ва Қурбон ҳайити ҳақида. –Т., 1961; Фозилов И. Зарарли одатлар. –Т., 1961; Ёқубов Б. Халқ байрамлари ва урф-одатлари. –Т.: Ўзбекистон КП марказий комитетининг бирлашган нашриёти, 1965; Ширинбоев Ш. Диний маросимлар тўғрисида ҳақиқат. –Т.,1966; Алимуҳаммедов А. Ислом динидаги маросимчилик ва урф-одатлар. – Т.: Ўзбекистон, 1969; Усмонов М.А. Ислом ақидалари ва маросимлари. –Т.: Ўзбекистон, 1975; Абдусамедов А.Э. Рўза. –Т., 1985; Ташланов Т. Миллий ва диний урф-одатлар. –Т., 1986.

¹⁰ Ахмаджонов У., Қосимзода А., Йўлдошев Н. Ислом динида авлиёларга ва уларнинг мазорларига сиғиниш. – Т., 1959; Раҳмонов А., Юсупов С. Хоразмда “Муқаддас” жойлар ва уларнинг вужудга келиш сирлари. – Т., 1963; Петраш Ю.Г. Қадамжолар сири. –Т., 1965; Алимуҳаммедов А. “Муқаддас” ва “Қадамгоҳ” жойлар ҳамда уларни зарарлари (Фарғона область материаллари асосида). –Т., 1966; Шарипов Э., Бозоров Э.

аср диний уламоларининг мақбара ва сағаналарини зиёрат қилишни, уларни хотирлашни “зарарли” деб ҳисоблашган.

Мустақиллик йилларида совет даврида ислом дини тарихига ва диний урф – одатлар, ақидаларга бўлган муносабатлар тўғрисида бир қатор асарлар, илмий адабиётлар яратилди¹¹.

Булар орасида дин уламолари ҳақида чоп этилган асарлар муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ўзбек ва рус тилларида нашр этилган Ш. Бобохоновнинг “Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон (маънавият ва ибрат мактаби)”¹² номли китоби алоҳида аҳамиятга эга. Унда Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний бошқармаси раиси З. Бобохоновнинг ҳаёти ва ижоди, халқ бирлиги ва бошқа халқлар билан дўстликни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти атрофлича ёритилган. Шунингдек, бу китоб айрим нуқсонлардан ҳам ҳоли эмас. Унда совет ҳукмронлиги давридаги диний сиёсатнинг моҳияти илмий тарзда баён қилинмаган, фойдаланилган манбалар рўйхати берилмаган.

Туркистондаги мактаб, мадраса, қорихоналар фаолияти бўйича тадқиқот олиб борган И.Алимов мақолаларида ислом ва миллий маорифнинг ўлка маънавий-маданий ҳаётидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилган¹³.

2001 йилда Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси томонидан “Замонамиз уламолари”¹⁴ номли тўплам чоп этилди. Бу тўпламга Республиканинг тўрт забардаст алломаси – Шайх Зиёвуддин ибн Эшон Бобохон, Шайх Исмоил Махдум, Шайх Юсуфхон Шоқир ва Шайх Абдулғани Абдуллоҳ ҳақидаги мақолалар ва хотиралар киритилган.

“Муқаддас” жойлар тўғрисида ҳақиқат. –Т.,1976; Давлатбоев Т. Авлиёларга сиғиниш ва уларнинг зарарлари. –Т., 1979; Саксонов Т., Ҳошимов М. Хўш нимаси муқаддас? –Т., 1985; Саксонов Т. “Муқаддас” жойлар – хурофот ва бидъат ўчоғи. – Т., 1986.

¹¹ Хўжамуродов И.Р. Ислом миллийлик қадрият (Ислом ва ўзбек халқи миллий ўзлигини англашнинг шаклланиши). –Т.,1993; Ислом одоби ва маданияти. –Т.,1995; Юсупов Э. Истиқлол йўлида. –Т.,1996; Кароматов Ғ.С. Ислом фундаментализми ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти.: Ф.ф.н. ... дисс. –Т., 1999; “Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги ҳавфи”. Махсус курсни ўрганиш бўйича методик тавсиялар. –Т., 1999; Миллий мафкура ва диний қадриятлар. Илмий-амалий анжуман тезислари. –Т.,2000; Абдухамитова Э.А. Традиции гуманизма и их роль в укреплении духовных основ независимости Узбекистана: Автореф. Дисс. ... к. филос. н. –Т., 2000; Хусниддинов З. Ислом йўналишлари, мазҳаблар, оқимлар. –Т., 2000; А.Зақруллаев. Ғоялар кураши. –Т., 2000; Истиқлол йиллари: Миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши (Бухоро) I. –Т., 2001; Ўша тўплам (Хоразм) III. –Т., 2001; Ўша тўплам (Андижон) IV. –Т., 2001; Ўша тўплам (Наманган) V. –Т., 2001; Ўша тўплам (Тошкент) VII. –Т., 2001; Ўша тўплам (Самарқанд, 20 июнь) . –Т., 2001; А.Абдурахмонов, М.Бойдадаев, Э.Бозоров. Дин ва сиёсат. Илмий-услубий қўлланма. –Наманган, 2001; Абдуллаев С.С. Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва ислом. Ф.ф.н. ... дисс. автореф. –Т., 2002; Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Дин насиҳатдир. –Т., 2004.

¹² Шамсуддинхон Бобохонов. Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон (Маънавият ва ибрат мактаби). – Т., 2001; Бабаханов Шамсуддинхон. Муфти Зиёвуддинхон ибн ишан Бабахан: Жизнь и деятельность – Т., 2001.

¹³ Алимов И.А. Левацкие перегибы в решении религиозного вопроса в ТАССР // Общественные науки в Узбекистане.-Ташкент, 1991.-№1.-С.31-40; Унинг ўзи. Из истории решения вакфного вопроса в первые годы Советской власти в Узбекистане // Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. -Т.: Фан, 1991.-С.239-254; Унинг ўзи. Эски мактаб ислоҳоти ташаббускори // Халқ таълими.-Тошкент, 1993. № 10-12.-Б.5-8; Унинг ўзи. Отношение Советского правительства Туркестанской АССР к религиозным мактабам и медресе (1917-1924 гг) // Вестник Ошского Государственного Университета, Ош-2004.-С.211-219.

Н. Комилов ўзининг “Ислом – маърифат дини”¹⁵ номли рисоласида буюк аждодларнинг бекиёс диний-маънавий мероси ҳақида алоҳида тўхталиб, дин арбоблари таваллудлари, уларнинг ҳаёти, ижоди, илмий меросини ёритади. Китобда ислом дини чиндан ҳам маърифат дини эканлиги таъкидланган.

А.Абдурахмоновнинг “Саодатга элтувчи билим”¹⁶ номли китоби ислом дини ақидалари, маросимлари, урф-одатлари ҳақида мустақиллик шароитида ёзилган йирик тадқиқотлардан биридир. Муаллиф китобда ёритилган ислом дини масалаларига ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар нуқтаи назаридан ёндашади. Асар диний масалаларга ё диний, ё дунёвий дунёқараш асосида бир томонлама ёндашилган асарлардан бўлиб, шу томони билан ажралиб туради.

Маҳмуд Сагторнинг “Ўзбек удумлари” яъни диний байрамлар – Ҳайит, Наврўз, намоз, қадамжоларни зиёрат қилиш, хатна тўйи, мушкулкушод, бибисешанба, мавлуд каби диний маросимлар ҳақида ҳикоя қилинган. Китобда муаллиф “удумлар маънавият пойдевори, халқнинг ижтимоий, иқтисодий-маданий, сиёсий, маънавий онг даражасини белгилайди” деб юкори баҳо беради¹⁷.

Мустақиллик шарофати билан мактабларда динлар тарихини ўқитиш йўлга қўйилди. Шу муносабат билан “Дунё динлари тарихи”¹⁸ ва “Диншунослик асослари” дарсликлари нашр этилди. Дарсликларда жаҳон динлари, миллий динлар тарихи тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтилади. Бунда ислом дини тарихи нисбатан кенг баён этилган бўлиб, ислом дини таълимоти, маросимлари, байрамлари ёритилган. Ислом ақидалари ва арконлари тушунчаларининг мазмуни, моҳияти очиқ берилган. Ислом маросимларидан намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш, Ҳаж қилиш ва бошқаларнинг қоида, тартиблари кўрсатилган. Ислом дини маросимлари ичида суннат, никоҳ, қурбонлик қилиш, жаноза ва бошқалар борлиги қайд қилинган. Рўза ва Қурбон ҳайитлари тўғрисида батафсил маълумот берилган. Бу дарсликларда “Ислом дини маърифат дини” деб, ҳолисона баҳо берилган.

Н.Мустафаева ўзининг “Ўзбекистонда совет ҳукуматининг диний сиёсати”¹⁹ номли мақоласида совет тузумининг ташкил бўлганидан то мустақилликкача бўлган даврдаги диний сиёсатни таҳлил қилиб, беш даврга бўлган ва бу сиёсатда иккиюзламачилик мавжудлиги, яъни ислом динини амалда чеклаб, уни тугатиш учун кураш олиб бориб,

¹⁴ Замонамиз уламолари. – Т., 2001.

¹⁵ Комилов Нажмиддин. Ислом – маърифат дини. – Т.: Маънавият, 2000.

¹⁶ Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004.

¹⁷ Маҳмуд Сагтор. Ўзбек удумлари. – Т.: Фан, 1993.

¹⁸ Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. – Т.: Шарк, 1998.

¹⁹ Мустафаева Н. Ўзбекистонда совет ҳукуматининг диний сиёсати. // O'zbekiston tarixi.-Тошкент, 2005. - №2, -Б. 35-43.

иккинчи томондан Конституцияда виждон эркинлиги эълон қилинган деб, жаҳон мусулмонларини ишонтиришга ҳаракат қилганлигини очиб берган. Шунинг билан бирга, совет ҳукуматининг диний сиёсати “тўлқинсимон” бўлганлиги, яъни бу сиёсат баъзан кескин, ҳатто катағонгача бориб етгани, баъзан тарихий шароит талаб қилганда қаттиққўлликни юмшатиш эвазига кишиларни совет тузумига муносабатини ўзгартиришга мажбур бўлганлиги ёритилган. Биринчи босқич 1917-1926 йилларни ўз ичига олганлиги, кейинги босқич 1927-1941 йилларда “Динга қарши кураш” шиори остида ўтказилганлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, тадқиқот учун танлаб олинган мавзу, унинг таркибига кирган қатор муҳим муаммолар тўлалигича махсус тадқиқ қилинмаган. Шу билан бирга XX асрнинг 20-30 йилларида диний марказ сифатида “Маҳкамаи Шаръия” нинг юритган фаолияти атрофлича тадқиқ қилиниб, ушбу ташкилотнинг мусулмон диний муассасаларини марказлаштиришдаги роли ўрганилади. Шу боис мазкур диссертацияда ана шу ҳолат ҳисобга олиниб, ҳозирга қадар мавжуд адабиётлар, мақолалар, асосида тадқиқ қилинаётган давр ичида ислом дини тарихи ва унинг миллий ғоянинг асосий тамойили эканлиги, шунингдек, унинг жамият ҳаётидаги ўрни махсус жиҳатдан илмий таҳлил қилинмоқда.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациядаги фактик материаллар, илмий хулосалардан Республика олий ўқув юртларининг тарих йўналиши мутахассисларини тайёрлаш учун Маънавият асослари, Диншунослик асослари, Ўзбекистон тарихи фанларидан дарслар ўтиш жараёнида, амалий машғулотларда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ушбу диссертация материаллари Ўзбекистон тарихи фанидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борадиган мутахассисларга, ислом тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчиларга муҳим маълумотлар беради. Диссертация материаллари Ўзбекистон тарихига оид ўқув қўлланма ва рисоалар тайёрлашда ёрдам беради.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, уч бобни ўз ичига олган олти параграфдан, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I. ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБ ВА МАДРАСАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЧЕКЛАНИШИ

1.1. Совет ҳукуматининг ислом дини ўчоқлари-мактаб ва мадрасаларга муносабати

Февраль инқилоби мусулмон руҳонийлари ҳаётига ҳам ижобий таъсир қилди. Уларнинг илгари мавжуд бўлган юқори мавқелари қайта тиклана бошланди. Шу билан биргаликда, Туркистондаги ислом динининг ўчоқлари бўлмиш мактаб ва мадрасалар ҳам ўз мавқеини тиклаб ола бошладилар. Империя даврида кўплаб сиқувларга ҳамда чеклашларга қарамай, улар аҳоли орасида ўз обрўсини сақлаб қолган эди. Мактаб ва мадрасалар ўқув дастурларига дунёвий фанларнинг киритилишига маҳаллий жадидлар юқори ташаббус кўрсатдилар. Айниқса, йирик жадидчи ва мохир педагог Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг бу ишда хизматлари катта бўлди. XX аср бошларида Туркистонда кенг шаклланган жадидчилик ҳаракати маҳаллий аҳолини маърифатли қилишга катта ҳисса қўшди. Жадидлар мусулмон руҳонийлари, диний мактаблар муаллимлари ва талабаларини, ўз сафларида бирлаштирдилар. Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Убайдулла Хўжаев, Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Тавалло, Чўлпон жадидларнинг энг ёрқин намояндаларидан эди.

Жадид маърифатпарварлари 1917 йил февралдан сўнг бошланган бевосита демократик жараёнларда маҳаллий халқлар сиёсий манфаатларини ҳимоя қила бошладилар. Улар ўлкадаги миллий бирлик ва жипсликни мустаҳкамлашга ва ҳар қандай давлатнинг биринчи галдаги вазифаси бўлган миллий маданиятни ҳамда маориф ишини ривожлантиришга, тараққий эттиришга астойдил бел боғладилар. Жадидлар ташаббуси билан “Шўрои Исломия”, “Шўрои Уламо”, “Иттиҳоди тараққий”, “Турон”, “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиклол” каби ташкилотлар тузилди. Жадид намояндалари маҳаллий аҳолининг сиёсий онгини ўстириш мақсадида Туркистоннинг кўплаб шаҳарларида газета ва журналлар нашр қила бошладилар. Жумладан, Тошкентда “Хуршид”, “Садои Туркистон”, “Турк эли”, “Нажот”, “Кенгаш”, “Шўрои ислом” каби матбуот нашрлари чиқарилди.

1917 йил февралидаги демократик жараёнлар Туркистонни ҳам қамраб олди. Туркистон ўлкасида демократик ўзгаришларни амалга оширишда 1917 йил 14 июлда Скобелев (Янги Марғилон) да бўлиб ўтган курултой муҳим ўрин тутди. Унда мухторият лойиҳаси муҳокама қилинди. “Мухторият лойиҳаси”ни ишлаб чиқишда жадидлардан Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудийлар иштирок этган. Ушбу

хужжатда диний масалалар қатори мактаб ва мадрасалар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўлкада дин ишларини назорат қилиш мақсадида пойтахтда махсус “Маҳкамаи Шаръия” (Қонунлар палатаси), вилоятларда унинг бўлимлари, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда эса қозихоналар таъсис этишни таклиф қилдилар. Бундан ташқари, дунёвий таълим билан бир қаторда диний таълим муассасаларининг фаолиятига кенг йўл очилди²⁰.

1917 йил Туркистонда миллий таълим тизимини ташкил этиш масаласи ҳал қилиниши шарт бўлган муаммолардан бири бўлиб турди. 9-14 майда Тошкентда ўқитувчиларнинг I ўлка қурултойи бўлди. У таълим тизимининг аҳволи билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни муҳокама қилди ҳамда “Туркистон ўқитувчилар иттифоқини” ташкил этди²¹.

Шунингдек, қурултойда эски мактаб, мадрасалар фаолиятига ҳам алоҳида ўрин ажратилди. Қурултойда чиқарилган қарорга асосан ўлкадаги барча мадрасалар уч босқичга: қуйи (адно), ўрта (авсат), юқори (аъло) босқичга бўлиниши лозимлиги белгиланди. Аввалги даврлардагидан фарқли ўлароқ мадрасалардаги ўқув-тарбия ишларини бевосита мударрислар кенгаши ихтиёрига ўтди²². Мадрасалар ишини назорат қилиш эса, съезд қарори бўйича, диний бошқармага тегишли деб топилди²³.

Октябрь тўнтаришидан сўнг Туркистонда янги совет мактабларини ташкил этиш вазифаси илгари сурилди. Бу вазифани амалга оширишда 1917 йилда ташкил этилган Маориф халқ комиссарлигининг ўрни каттадир. Унинг биринчи халқ комиссари К.Я.Успенский бўлган²⁴. 1917 йил октябрида Россияда давлат тўнтариши амалга оширилди. Шу йилнинг 25-26 октябрида большевиклар томонидан Петроградда Бутунроссия Советларининг II съезди бўлиб ўтди. Унда В.И.Ленин бошлиқ Совет ҳукумати – Халқ Комиссарлар Совети тузилди. Бутун ҳокимият кучли қурол кучига эга бўлган большевиклар қўлига ўтди. Бу воқеа Туркистондаги ижтимоий ҳаётга ҳам таъсир қилди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ большевиклар ўлка маҳаллий аҳолисининг миллий кадриятларини топташ ва йўқотишга ҳаракат қилдилар. Ушбу мақсадни амалга ошириш юзасидан бир қанча қонунлар ишлаб чиқилди. Советларнинг Бутунроссия II съездида қабул қилинган “Ер тўғрисида”ги декретда 1917 йил 26

²⁰Ўзбекистон давлатчилиги тарихи:(Очерклар) / Масъул муҳаррирлар Д.А.Алимова, Э.В.Ртвеладзе.-Т.: Шарқ, 2001.-Б.178.

²¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи.Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.-Тошкент: Шарқ, 2000. -Б.133.

²² Ёўлдош Ж., Ҳасанов С.Туркистонда ўқиш-ўқитиш ишлари тарихидан // Халқ таълими.-Тошкент, 1993.-№ 8-9.-Б.45.

²³ Аъзамхўжаев С.Туркистон мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси.-Т.: Маънавият, 2000.-Б.26.

²⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб ... -Б.134.

октябрдаёқ барча ерлар, шу жумладан, монастир, черков, вақф ерлари умумхалқ мулки деб эълон қилинди²⁵.

Большевиклар сўзда демократия, ижтимоий тенг ҳуқуқлилик, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тарафдори эдилар. Аслида эса миллий манфаатлар, диний ҳис-туйғулар, мусулмонларнинг анъаналари ва маросимлари умуман ҳисобга олинмаган.

Совет давлати билан черковнинг ўзаро муносабати тамойиллари РСФСР ХКСнинг 1918 йил 23 январдаги “Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида” ги декретида белгилаб берилди. Мазкур декрет 13 моддадан иборат бўлиб, унда динни давлатдан ажратилиши таъкидланган эди. Декрет эълон қилингандан сўнг, Тошкент Советининг ижроия комитети Туркистон ўлкаси ўқув юртларининг бош инспекторига ўлканинг барча ўқув муассасаларида “уларда диний ва ақоид предметлар ўқитишни тўхтатиш ҳақида” фармойиш беришни таклиф этди. Мактаб черковдан ажратилди. Хусусий ўқув юртларида ҳам диний таълимотларни ўқитиш таъқиқланди. Мактабларда дин ўқитиш учун барча кредитлар ёпиб қўйилди ва диний таълимотдан дарс берувчи ўқитувчилар ҳар қандай таъминотдан маҳрум бўлдилар. Барча динларга мансуб ўқув юртларининг бинолари халқ мулки сифатида маҳаллий Советларнинг ёки Маориф халқ комиссарлигининг ихтиёрига ўтказилди.

1920 йилнинг июнь ойида Туркистон Республикасидаги Халқ Маорифи бўлими мудирларининг съездида ҳам эски мактаб, мадраса ва қорихоналар масаласи муҳокама қилинди. Бу борадаги муаммолар тўғрисида Туркистон Республикаси Маориф халқ комиссарлиги турк секциясининг аъзоси, академик бўлими бошлиғи Мунаввар Қори Абдурашидхонов маъруза қилди. У мактаб, мадрасаларнинг пайдо бўлиши уларнинг фаолияти, мақсади, вазифалари, ҳамда ҳукуматнинг халқ маорифи тизимига нисбатан олиб борган сиёсати тўғрисида батафсил маълумот беради²⁶. У ўз нутқида мадраса ва мактаблардан халққа зиё тарқатишда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлади. Жумладан, маърузачи қуйидагиларни таъкидлаган эди:

1) вақфлар диний ва ижтимоий хизмат учун эмас, халқни маданиятини юксалтириш учун ташкил этилиши керак;

2) миллий мактаблар, мадрасалар Туркистон халқларининг умумий таълим, фан, санъати манбаидир;

3) миллий мактаб, мадрасаларни ва вақфларни диний бўёқ олиши эски чор ҳукумати сиёсатига асосланган;

²⁵ Съезды Советов (в документах).Сборник документов в 3-х томах. 1917-1936 гг.-М.: Госюрлитиздат, 1959. Т.1.-С.11-13.

4) вақфлардан тушаётган маблағлар ва ҳукумат томонидан бериладиган маблағлар, қурилиш ашёлари асосида минглаб мактаб ва мадрасаларни фаолиятини ўзгартириш, уларни диний муассасалардан маданий-таълим манбаларига айлантириш, янги дастур асосида ўзгартириш зарур²⁷.

Совет ҳукумати ўлкада юзага келган сиёсий аҳволдан хавфсиз рағбат ҳолда, уни тугатиш чораларини қидира бошлади. Шу сабабдан ҳам РКП (б) Марказий Комитетининг 1922 йил 18 майдаги Пленумида “Туркистон-Бухоро ишлари ҳақида”ги қарорни қабул қилинди²⁸. Унда вақф ерларини аввалги эгаларига қайтариш ва мадрасалар фаолиятига маълум эркинлик бериш масаласи ҳам кўриб чиқилди²⁹.

РКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг 1922 йил 20 майдаги бўлиб ўтган Пленуми марказий комитетнинг ушбу қарорини амалга ошириш чора-тадбирларини белгилаб берди. Пленум Туркистон, Бухоро, Хоразмдаги совет ва партия раҳбарларига вақфларни қайтариш, қозилик ва бийлик судларига маълум рухсат бериш вазифасини юкледи.

Туркистон Республикаси Советлари МИКнинг 1922 йил 20 июнда “Туркистон Республикаси мадраса ва масжидларига вақфларни қайтариш ҳақида” ги 75-сонли чиқарган декретига биноан вақф мулклари ўз эгаларига қайтарилди.

Туркистон Республикасидаги асосий учта Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари мадрасаларининг вақфлари, вақфномаларга биноан, ер майдонлари устидаги қурилмалари билан қайтариб берилди. Мадрасалар мулки бўлган савдо дўконлари, магазин, ҳаммом, карвонсарой, омбор, боғлар шаҳар чизигидаги экин майдонлари, ерлар ўз эгаларига қайтариб берилди.

Бу мулкларни ишлатишдан келаётган даромадлар, тўла-тўқис мадраса, масжид, улар қошидаги мактаблар биноларини таъмирлаш, шахсий таркибни сақлаш, мадраса ва мактаб хизматчилари, муллаваҷчалар, мадрасалар қошидаги бошланғич мактабларнинг 3 юқори синфини таъминлаш, муллаларни тайёрлашга ва давлат солиғини тўлашга сарф қилинган.

Маҳаллий аҳолининг вақфлар таъминотидаги барча мактаблари, шундайлигича вақфлар ҳисоби ҳолатида қолаверган. Мадраса ва вақфлар бошқарувини ташкил этишда бир қадар жиҳатлар эътиборга олинди. Мадраса ва вақфлар бошқарувини тартибга келтириш октябрь воқеаларигача ўринга эга бўлган, мадрасалардаги тушунмовчилик ва

²⁶ Алимов И.А. Эски мактаб ислохоти ташаббускори // Халқ таълими. Тошкент, 1993. №10-12. -Б. 6.

²⁷ Алимов И.А. Эски мактаб ислохоти ташаббускори...-Б.7.

²⁸ Ислам в СССР Особенности процесса секуляризации в республиках советского Востока / Отв.ред: Э.Г. Филимонов. -М.: Мысль, 1983.-С.12.

²⁹ Образование и деятельность Коммунистической партии Туркестана.(Летопись событий).-Т.: Узбекистан, 1966.-С.285.

тартибсизликларни олдини олиш, мадрасалар бошқарувида сайлаш ва сайланиш ҳамда хайъат қарорига асосланадиган шакл жорий этиш амалга оширилди:

- мадраса ва вақфларни бошқариш учун ҳар бир уезд таркибига 5 та сайланган шахс ва 1тадан тайинланган йўриқчи киритилиб, жами 6 кишилик хайъат ташкил этилди.

Хайъат таркиби 2 мударрис, 1 халқ судьяси (қози) ва халқ маорифи бўлими мудирини, халқ ўқитувчисидан иборат тартибда тузилган. Бундай хайъатлар Қўқон, Андижон, Наманган, Эски Марғилон, Самарқанд, Хўжандда ташкил этилган ва фаолият кўрсатган. Хайъат таркибига киритилган диний уламолар, халқ судьялари ва мусулмон мактаблари ўқитувчилари уезд умумий йиғилишида сайланиб, МИК томонидан вазифаларга тайинланган.

- мадрасалар сони 40 тадан кам бўлган вилоятларда, бир неча уезд хайъати ўрнига ягона ўша таркибда вилоят хайъати белгиланган. Тошкентда Сирдарё вилояти хайъати тузилган. Мадрасалар сони 20 тадан ошмаган уездларда хайъат таркиби мударрис, халқ судьяси (қози) ва халқ ўқитувчиси, бир тайинланган йўриқчидан иборат бўлган. Бундай таркибдаги хайъатлар Ўш, Каттакўрғон, Жиззах шаҳарларида ҳам мавжуд бўлган.

Мадрасалар бошқаруви қуйидаги тартибда бўлган: мадраса мудирлиги вазифасини катта мударрис бажарган ва уезд мадрасалар хайъати томонидан ижроия комитет тавсиясига кўра, област ижроия комитети томонидан вазифага тасдиқлагандан сўнггина тайинланган. Катта мударрис мадрасадаги ўқув-тарбиявий ва хўжалик ишларини қўйилишига жавобгар шахс ҳисобланган. Мадраса кенгаши таркиби барча мударрис, мукаррир, мутавалли, бошланғич мактаб мудирини, катта курс талабаларидан сайланган икки мулла-талабадан иборат ҳолда ташкил топган. Унинг аъзолари ҳал қилувчи овозга эга бўлган. Йиғилишларда ана шундай ҳуқуқлар билан уезд инструкторлари ҳам иштирок этишган. Хўжалик комиссияси таркиби катта мударрис, мутавалли ва сайланган бир талабадан иборат бўлган.

Мадраса мутаваллиси вазифасига ёши 30 дан кам бўлмаган, жамоа ишончига сазовор бўлган шахс сайланган, уни лавозимга, мадрасалар уезд комиссияси тавсияси билан тегишли совет ижроия комитети тасдиқлаган. Катта вақфлари бўлган мадрасаларда ҳам шу тартибда мутавалли ёрдамчилари сайланган. Мутавалли вазифаларига асосан, қирим-чиқим ҳисобини олиб бориш, молия ҳисоботини тузиш, вақф маблағларини йиғиш ва сақлаш, тасдиқланган сметага кўра мадраса хайъати рўхсати билан маблағни сарфлаш, мадраса ва бинолар ҳамда бошқа вақф мулкларини таъмирланишини бевосита назорат қилиш, давлат солиқларини ўз вақтида тўлаб бориш, ер майдонлари ва боғлардан йиғилган маҳсулотларни мадраса хизматчи ва ўқувчилари эҳтиёжига фойдаланиш учун

сақлаш, мадраса кенгаши рухсати билан мулкларни ижарага бериш шартларини ва шартномаларини тузиш кирган.

Мадрасанинг барча хизматчилари белгиланган (ставка) миқдорда ҳар ой вақф маблағидан хизмат ҳақи олиб, маош олганига имзо чекиши шарт бўлган. Муллаваччаларнинг (талаба) барчаси, ўқиш босқичи қандай бўлишидан қатъи назар барчага бир хил тақсимланадиган нафақа (стипендия) ҳисобидан, умумий қозондан озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминланганлар, фақат нафақанинг (стипендия) қолдиғи, агар шундай бўлса, қўлларига нақд берилган³⁰.

Бироқ, Туркистон Коммунистик партиясининг 1922 йил 16-21 октябрда бўлиб ўтган VII конференцияси совет мактаби олдиға эски мактабларға нисбатан юқори мавқега эға бўлиш вазифасини қўйди³¹. Ушбу вазифани бажариш учун совет мактаблари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, яқин йилларда эски мактаблар эса бериладиган ҳар қандай моддий ёрдамдан маҳрум қилиниши кўзда тутилди.

1922 йилнинг 22 октябрида Туркистон АССР МИК “Мактабларға диний билимларни ўқитиш ҳуқуқини бериш ҳақида” қарор қабул қилди, бироқ бу қарор изчиллик билан амалға ошмади. Бутуниттифоқ МИК Президиумининг йиғилишида Туркистон Республикаси МИКнинг совет мактабларига диний билимлар ўқитиш ҳуқуқини берувчи қарор бекор қилинди. Истисно тариқасида ва вақтинчалик чора сифатида Туркистоннинг ўзбеклар кўпчилики бўлиб, жам бўлиб яшайдиган қисмидаги эски мактаблардаги диний билимлар ўқитиш ман қилинмади.

1922 йил 20 июндаги вақфларни қайтариш тўғрисидаги декретни қайта кўриб чиқиш иши юзасидан Туркистон Компартияси Марказий Комитети назорат комиссиясини тузди. Унга У.Эшонхўжаев раҳбарлик қилди. Бу комиссия 1922 йил 11 ноябрда қуйидаги таклифларни киритди:

- масжидларға , қорихона, мазорларға тегишли вақф ерлар яна шу муассасаларға қайтарилди. Вақфларни ҳаражат қилиш жойлардаги вақф бўлимлари томонидан назорат қилинади;

- даромадларни тўғри, тенг тақсимлаш ишлари вақф органлари томонидан амалға оширилади. Дастлабки таъминот ишлари янги мадраса, совет мактабларида амалға оширилиши лозим.

1923 йилда академик бўлим бошлиғи Мунаввар Қори Абдурашидхонов мактаб, мадрасаларни ислоҳ қилиш дастурларини ишлаб чиқишға киришди. Бу борадаги амалиёт асосли, аниқ ислоҳотларни талаб қилар эди. Архив ҳужжатлари шундан дарак берадики,

³⁰ Комилов О.К. Ўзбекистон миллий таълимидаги ўзгаришлар...-Б.48.

1923 йилнинг биринчи босқичидаёқ, ислоҳ қилиш дастури ишланган ва амалга оширила бошланган. Янги дастур асосида, “Тошкент вақф бўлимида 5 та мадраса, 6 та мактаб қолган. Самарканд вақф бўлимида эса 14 та мактаб ва унда 440 ўқувчи, Хўжандда – 32 та ўрта мактаб ва 1280 ўқувчи, Каттакўрғонда –3 мактаб, 110 ўқувчи рўйхатга олинган. Бу даврда янги усулдаги мактаблар сони 60 та, улардаги ўқувчилар сони 2580 тани ташкил қилган”³².

Андижон вақф бўлимининг Бош вақф бошқармасига 1923 йил 16 октябрдаги маърузасида вақф бўлими 19 майда ташкил қилинганлиги ва унинг раиси этиб, Қори Бода сайлангани ҳақида маълумотлар берилди. 1923 йил 4 сентябрида бу ерда 4 та мактаб қайта ташкил қилинди³³.

Совет ҳокимияти ўрнатилганидан бошлаб, вақфлар маблағининг камайиши ва бошқа сабабларга кўра, эски усул (диний) мактаблар сони кескин камайиб кетиши юз берди, 1923 йил бошига келиб ўлка вилоятларида 20 га яқин мадраса ва 150га яқин мактаб, қорихоналар қолган бўлиб, ундаги ўқувчилар сони ҳам бу даврда нисбатан анча озайган. Мадрасаларда ўртача 10-15 талабалар, мактаб ва қорихоналарда 8-12 ўқувчи ўқиган³⁴.

Бош вақф бошқармаси тузилган кундан бошлаб, бу мактабларни янги усул дастурларига ўтказиш орқали билан ислоҳ қилишга киришилган. Уларда ижтимоий-гуманитар фанлар ва совет машғулотларининг салмоғи 40 фоизни ташкил қилган. Ана шу йўсинда 8 та мадраса ва 30 га яқин мактаб ислоҳ қилинган, қолганлари беркитилиб, қорихоналар эса вақфлар таъминотидан олиб ташланган. Уларни беркитилишига кўплаб мадраса, мактаб ва қорихоналарнинг бинолари замонавий мактаблар талаби даражасига умуман жавоб бермаслиги ва қайта қуриш учун катта маблағнинг талаб этилиши сабаб бўлган.

Вақф органлари 1924 йилдан мадрасаларга зўрлик билан совет мактаби дастурини кирита бошлади. 1924 йил вақф бўлимлари томонидан рўйхатга олинган 212 мадраса ва 191 та мактабдан, 738 нафар талабаси бўлган 10 та мадраса ва 3080 нафар ўқувчидан иборат 41 та мактаб совет мактабига айлантирилди. Мазкур муассасалар ёпилиб, унинг бинолари янги совет мактабларига мослаштирилиб қайта қурилган.

1.2. Мактаб ва мадрасалар фаолиятига чек қўйилиши

³¹ Комилов О.К. Ўзбекистон миллий таълимидаги ўзгаришлар. (XX асрнинг 20-йиллари). Ўқув қўлланма. – Тошкент: Akademnashr, 2010.-Б.41.

³² Комилов О. Кўрсатилган асар. –Б.45.

³³ Ўша жойда.

Мусулмон Шарқда илм-фан ва маърифат масканлари бўлмиш-мадрасалар тарихи бир неча асрлар қаърига бориб такалади. Мовароуннаҳр худудидаги илк мадраса тарихчи Наршахийнинг маълумотига кўра, X аср бошларида Бухорода барпо этилган Фарайж мадрасаси бўлган³⁵. Диний ва дунёвий билимлар ўқитиладиган мадрасаларда талабалар азалдан уч босқичда таҳсил олганлар:

1.Адно (бошланғич); 2.Авсат (ўрта) ; 3. Аъло (юқори).

Мадрасаларда ислом фалсафаси, араб тили грамматикаси, мантик, астрономия, фалсафа, фикҳ, адабиёт, тарих, табобат фанлари ўқитилган. Бундан ташқари Абу Али Ибн Сино, Жалолоддин Румий, Саъдий, Бедил, Навоий, Фузулий каби аллома ва мутафаккирлар асарлари ҳам ўқитилган.

Туркистон маҳаллий аҳолиси саводхонлиги ва маънавий эҳтиёжлари учун зарур ҳисобланмиш мадрасалар совет ҳукмронлиги даврига келиб, турли тазйиқ ва чеклашларга дучор бўла бошлади. 1918 йилнинг 23 январида РСФСР ХКС томонидан эълон қилинган “Черковни давлатдан, мактабни черковдан ажратиш ҳақида” ги декрет ҳам мадрасаларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Барча мадрасаларда диний фанларнинг ўқитилиши таъқиқлаб қўйилди. Декрет эълон қилингандан кейин мадрасалар ва улардаги ўқувчиларнинг сони ҳам камайиб борди. Бир вақтнинг ўзида мадрасалар устидан икки комиссарлик, яъни Миллатлар халқ комиссарлиги ва Маориф халқ комиссарлиги бевосита назорат тартибини ўрнатди.

1918 йилдан Миллатлар халқ комиссарлиги мадрасалар фаолиятини бевосита назорат қилишни бошлади. 1918 йил май ойидан августига қадар Миллатлар халқ комиссарлигининг шу соҳа юзасидан фаолият кўрсатиши бўйича Низоми ишлаб чиқилди. Комиссарликда маданий-оқартув бўлими ташкил этилди. Маданий-оқартув бўлими фаолият дастури ва низоми ишлаб чиқилиб, илова қилинаётган нусхалари, Миллатлар ишлари бўйича область комиссарликларига ижро учун юборилди. Область комиссариатларидан мадрасалар сони, хизматчи ва ўқувчилар, вақф мулклари, эски усул мактаблари ҳақида маълумот бериш талаб этилган. Маҳаллий аҳолининг саводсизлигини тугатиш учун, область комиссарларига, эски усул мактабларида муллаларни (муаллимларга) товушли ўқитиш усулига ўтишини, ҳамда бу мақсадда араб имлосидаги тасвири арифболарни, шунингдек, товушли усул бўйича янги дарсликларни олиши тавсия этилди.

1923 йил бошларида Туркистон (Сирдарё, Фарғона, Самарқанд) да 220 га яқин мадрасалар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўртача 10-15 ўқувчи таҳсил олган.

³⁴ Ўша асар.-Б.47.

³⁵ Панкратьева Т.Ф. Истоки среднеазиатских медресе // Вехи времен. Альманах.-Ташкент, 1989.-С.92.

1923 йилдан Туркистондаги барча эски мактаблар қатори мадрасаларнинг ҳам ислоҳ қилиниши бошланган. Бунинг учун дастур ишлаб чиқилган. У “Диний мактабларни (мактаб ва мадрасаларни) қайта ташкил этишнинг қисқа лойиҳаси ва шу мактабларнинг 1923-1924 ўқув йили учун дастури” деб номланган. Унинг иккинчи бўлими “Мадрасалар ислоҳоти” деб номланган. Ушбу дастур асосида 1923 йил 1 сентябрдан Туркистон АССР даги мадрасалар ислоҳ қилинган.

1924 йил 1 апрелидан бошлаб ислоҳ қилинган мактаблар халқ таълими ягона меҳнат мактаблари дастурининг I босқичига ўтказилган. 1925-1926 йилларда Бухоро округидаги вақф бўлими фаолиятини унинг 1927 йил апрелда Бош вақф бошқармасига берган ҳисоботи маълумотларидан кўриш мумкин. Ҳисобот маълумотларига кўра, Бухоро округида 1925 йилда 14 мактаб, 26 мадраса мавжуд бўлган бўлса, 1926 йилда 116 мадраса, 1927 йилда эса 312 мадраса фаолият олиб борган. Округдаги мактаблар сони 1926-1927 йилларда 14 та бўлган³⁶.

Давлат вақф органларининг вақф мулклари сони ҳамда уларнинг даромадини орттиришдан кўзланган мақсади – бу давлат бюджетидан ташқари вақф маблағлари асосида совет маорифини ривожлантириш бўлган.

1925-1926 йилда Ўзбекистонда эски усулдаги мактаблар сони 1585 тани ташкил қилган. Улардаги ўқувчилар сони 5, 20, 25 тагача етди, ўртача ҳисобда ўқувчилар сони 10-12 тани ташкил қилган. Мазкур мактабларда тахминан 16 000 та ўқувчи таҳсил олган.

XX асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмида, СССРда атеистик ҳаракат авж олиб, у давлат сиёсатининг узвий бўлагига айланди. Ушбу сиёсат юзасидан жойларда кўплаб “Худосизлар жамияти” тузилди³⁷. Ана шундай жамият 1923 йилда Андижонда ҳам майдонга келган эди. Ушбу жамиятлар диний тасаввурларга, унинг пешволарига қарши атеистик кураш олиб борди, унинг жойлардаги ташкилотлари зўр бериб атеистик фаолият кўрсатди. Атеизмга доир махсус газета ва журналлар нашр қилинди. Мазкур йиллар давомида совет ҳукумати томонидан ўзбек халқининг олис асрларга бориб тақалувчи моддий ва маънавий маданияти дурдоналари, мактаб, мадрасаларга қарши зўрлик йўли билан кураш олиб борилди. Ислом дини ва мусулмон руҳонийлари камситилиб, эски усулдаги мактаблар “эскилик ва хурофот уяси” сифатида таърифланди.

Ўзбекистон КП (б) МК нинг 1927 йил 14 июнда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган VI Пленуми мусулмон руҳонийлари ва мактаблари ҳақидаги масалани муҳокама қилади. Пленумда Ўз КП МКнинг котиби А. Икромов “Руҳонийлар ва мактаб тўғрисида” маъруза

³⁶Алимов И.А.Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши(1917-1929 йй).-Тошкент:Фан, 2009.-Б.164.

³⁷ Махкамова Н. Ислам и власть (20-е гг. XX в.) // Ижтимоий фикр.Инсон ҳуқуқлари.-Тошкент, 2006. -№1.- С.153.

килади. Маърузада “1919-1920 йилларда маҳаллий аҳолидан ҳеч ким ўз фарзандларини совет мактабларига бермаган”³⁸ лиги алоҳида эслатиб ўтилади.

1927 йил 22 августдаги Самарқандда Ўз ССР Маориф халқ комиссарлиги хайъатининг йиғилишида Порошин, Иноятов, Қодиров, Моисеенко, Пехович, Калистратов, Бойколар қатнашган. “Ягона меҳнат мактабининг биринчи Низоми” лойиҳаси тасдиқланди. Низомда хусусий мактабларнинг мавжуд бўлишига йўл қўйилмаслиги ҳам белгилаб қўйилади. Хусусий мактабларни очишга, ҳукуматнинг махсус қарори мавжуд бўлгандагина рухсат этилиши таъкидланади.

Агар 1927-1928 йилларда Ўзбекистонда 1576 та янги, биринчи босқич мактаби ишлаб турган бўлса, шу вақтда республика ҳудудида 1305 та эски, диний мактаб фаолиятда бўлди³⁹.

Ўз ССР Маориф халқ комиссарлигининг вақф бўлимлари томонидан мадрасаларга тегишли бўлган вақф мулклари совет мактабларини таъминлашга сарф қилинди. Жумладан, 1926-1927 хўжалик йилида вақф маблағлари ҳисобига 7 та 2-босқич мактаб (ислоҳ қилинган мадраса) ни, 3 та техникум, 4 та педагогика курси, 95 та саводсизликни битириш мактаби, 1 та аёллар клуби, 1 та кутубхона, 6 та болалар боғчаси, 17 та стипендиатларни таъминлаган. Шунингдек, 15 мактабни қуриб тамомлаш, 7 та мактабга 1 тадан синф қуриш, янги мактаб бинолари қуриш, тарихий ёдгорликлар, совет мактаблари биноларини таъмирлашни режалаштирган.

1927 йили “За партию” журнали орқали сиёсий доиралар эски усулдаги ва жадид мактабларига қарши кураш эълон қилинади. Натижада, улар совет маъмурлари томонидан аста-секин беркитилиб ва 20-йиллар охирига келиб, бу мактаблар ўз фаолиятини бутунлай тўхтатишга мажбур бўлади⁴⁰.

Ўз ССР Маориф халқ комиссарлиги ташкилий-инспекторлиги мудири Носирбеков 1928 йил 3 январдан 8 январгача Хоразм округидаги халқ маорифи бўлими фаолиятини текширади. Текширув Маориф Халқ Комиссарлигининг 63- сонли буйруғи асосида ўтказилади. Текширишлардан сўнг у қуйидагиларни таъкидлайди :“Хоразмда эски усул мактаблари яшашда давом этаяпти, аммо у аҳоли ўртасида ўз обрўсини тўлалигича йўқотди”.

Марказий Статистика Бошқармасининг режалаштириш мақсадида йиғилган тахминий маълумотларига кўра, 1926-1927 йилларда Хоразм округида 3894 та ўқувчига эга бўлган 464 та эски усул мактаби мавжуд эди. Носирбековнинг тўплаган маълумотларига кўра, “эски усул мактабларининг сони жорий йил давомида 75 фоизга

³⁸ Икромов А. Избранные труды. В 3-х томах. - Т.: Узбекистан, 1972. Т.1.- С.283.

³⁹ Қурбонов С. Маърифат ва дин.-Т.: Ўзбекистон, 1980.-Б.40.

қисқарган. Масалан, ўрта аср мактабчилиги ва эскилик сарқитлари таъсирида бўлган Хонқада ўтган йили 907 та ўқувчига эга бўлган 95 мактаб мавжуд эди, жорий йилда эса 240 ўқувчига эга бўлган 33 та мактаб қолган.

Гурланда 439 та ўқувчига эга бўлган 60 мактабдан, 71 та ўқувчига эга бўлган 11 та мактаб қолди. Бошқа районлардаги эски усул мактаблари сони ҳам янада кўпроқ қисқарди. Ишонч билан айтиш мумкинки, эски усул мактаблари ўзларининг охириги кунларини яшамоқдалар, аҳоли уни унчалик қадрламай қўйган. Эски усул мактаблари орқали маданий ривожланиб бўлмади ва одамлар ўз фарзандларини совет мактабларига олиб бориб беришяпти”. Юқоридаги мулоҳазалар шундан дарак берадики, маҳаллий аҳоли совет ҳукуматининг тазйиғи остида мавжуд тузумга бўйсуннишга, ҳокимиятнинг маъмурий ҳаракатларини эътироф этишга мажбур бўлганлар.

1928 йилга келиб, Қашқадарё вилоятида 154 нафар ўқувчини ташкил қилган 11 та , Сурхондарё вилоятида 121 ўқувчиси бўлган 17 та эски усул мактаби мавжуд бўлган. Ушбу ўқувчиларнинг 15 нафарини қизлар ташкил қилар эди⁴¹.

1928 йил 13-19 ноябрда Ўз ССР МИК Советларининг иккинчи чақирик IV сессияси бўлиб ўтди. Мазкур сессия “Эски усул мактаб ва қорихоналарни тугатиш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Қарорга Ўз ССР МИК раиси Й.Охунбобоев ва Ўз ССР МИК котиби Иброҳимовлар имзо чекканлар. Қарорда тўғридан-тўғри шундай деб ёзилган:

1. Бутун Ўзбекистон ССР да бўлган эски усул мактаблари ёпилсин ва келгусида шундай мактабларни ташкил қилишга йўл берилмасин. Ушбу қарор эркак ва қизлар мактабларига нисбатан бир хил кучда ҳисоблансин.

2. Эски усул мактаблари шу қарор эълон қилингандан кейин 10 кун муддат ичида ёпилмаган тақдирда, шу типдаги мактаблар очилса, бундай мактабни ташкил қилувчи муаллимлар, домлалар ва ташкилотчилар жиноий жавобгарликка тортилсин.

Мазкур қарорга кўра, эски мактабларни очган шахслар Ўз ССР Жиноят кодексининг 158-моддасига биноан 500 рублгача жарима ёки 2 йилгача озодликдан маҳрум этилган ёки бир йилгача мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан жазоланган.

Қарор чиққан даврдан бошлаб, шу вақтнинг ўзида Ўзбекистонда 1200 та эски усул мактаблари тугатилган. Барча маҳаллий ижроия комитетлари ва маориф идоралари беркитилган эски

⁴⁰ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб ... -Б.386.

⁴¹ Абдурахмонова Ж.Н. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги қатагонлик сиёсати (Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисолида 1925-1941 йй.) :Тарих фан..номз. ... дис.автореф.-Т.: Ўз МУ, 2002.-Б.15.

мактабларнинг ўқувчиларини совет мактабларига ўтиш билан таъмин этиш йўлида мумкин бўлган ҳамма чораларни кўришлари лозимлиги кўрсатилганди.

Туркистон АССР даги мадрасалар 1923 йилдан бошлаб совет ҳукумати томонидан ислоҳ қилинди. Уларнинг дастурларига ҳукумат томонидан тегишли ўзгартиришлар киритилди. Мадрасаларда диний ва дунёвий фанларнинг биргаликда ўқитилиши кўзда тутилди. Ислохотлар дастурига кўра, мадрасаларнинг мавжуд биноларини талабалар учун ётоқхоналарга айлантириш мўлжалланган эди. Мадрасаларнинг тўққиз йиллик шакли ҳам ислоҳ қилинди. Улардаги ўқув жараёни учта уч йиллик босқичга бўлинди, яъни биринчи босқичда совет мактабининг беш йиллик таълимига, иккинчи босқич етти йилликка, учинчи босқич тўққиз йиллик таълимга мослаштирилди. Шу тартибда мадраса ўқув тизими аста-секинлик билан ислоҳ қилиниб, кейинчалик уларни советлаштирилиш жараёни бошланди⁴².

Совет ҳукумати томонидан бошланган мазкур ислохотлар 20-йиллар бошидаги ижтимоий-сиёсий вазият таҳлили сифатида юзага келган бўлиб, табиийки, улар вақтинчалик характерга эга бўлган. Мадрасалар таъминотининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, маблағ етишмовчилиги, иморатларнинг таъмирга муҳтожлиги ва бошқалар мадраса ҳаёти тараққиётига жиддий ғов бўлиб турар, ҳукумат эса бу ҳолатни ўнглашга ҳаракат қилмас эди. Шу тариқа, мадрасалар ҳаёти жамият ҳаётидан узоқлаша борди. Бу эса айнан совет ҳукумати кўзлаган стратегик мақсадларга тўла мос тушар эди.

Мактаб ва мадрасаларнинг совет органлари томонидан мажбуран ёпиб қўйилиши кўплаб норозиликларга сабаб бўлди. Маҳаллий аҳоли мактаб ва мадрасаларни очиб беришни Маориф халқ комиссарлигидан қаттиқ талаб қилиб чиқди. Бироқ улар ҳукуматдан рад жавобини олишди. Миллий маориф ўчоқлари мактаб ва мадрасаларнинг тугатилиши шу билан бирга айниқса ўзбек миллий маданияти ривожига салбий таъсир кўрсатди.

⁴² Комилов О.К. Ўзбекистон миллий таълимидаги ўзгаришлар...-Б.68.

II. БОЛЬШЕВИКЛАРНИНГ ВАҚФ МУЛКЛАРИНИ ЧЕКЛАШГА ДОИР СИЁСАТИ

2.1. Совет ҳокимияти йилларида вақф мулкларининг ҳолати

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида вақф тўғрисида ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмади. Ҳар қайси идора вақф мулкига ўзи билганича иш тутди, вақф соҳасида бошбошдоқлик бошланди. Вақфларни бошқариш вазифаси юкланган Миллий ишлар бўйича халқ комиссариати вақф мулкларини мусодара қилиш йўлини тутди. Комиссариат вақфларни амалда бошқармади. Вақф мулклар совет идоралари томонидан талон-тарож қилинди.

1920 йилдан бошлаб Туркистоннинг директив кўрсатма берувчи олий органлари вақф масаласи билан яқиндан шуғулландилар. 1920 йил 26 февралда Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети қарорига кўра вақф Маориф халқ комиссарлиги тасарруфига берилди⁴³.

Маориф халқ комиссарлиги коллегиясининг 1920 йил 6 мартдаги мажлисида вақф бўлими тузиш масаласи муҳокама қилинди. Коллегия ўз қарори билан вақф бўлими ташкил қилди, мудирлик вазифасини вақтинча коллегия аъзоси Мунаввар Қори Абдурашидхоновга юклади ва унга вақф бўлими мудирлигига номзод топиш топширилди. Мунаввар Қори Абдурашидхонов тавсияси билан Маориф халқ комиссариати қошидаги вақф бўлими мудирлигига Баширулла Хўжаев тайинланди. Маориф халқ комиссариати «Вақфларни бошқариш тўғрисида муваққат Низом» ишлаб чиқди⁴⁴. Муваққат низомда вақфларни бошқариш тартиби, қоидалари, йўл-йўриқлари баён этилган. Низомда кўрсатилишича, вақфларни идора қилиш учун Маориф халқ комиссариати қошида Марказий вақф бўлими ташкил қилинади. Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари халқ маориф бўлимлари ҳузурида вилоят вақф бўлимларини тузиш кўзда тутилади. Вилоятларнинг уездларида халқ маорифи бўлимлари қошида вақф бўлинмалари ташкил қилинади, деб муваққат низомда кўрсатилган эди. Мадраса, масжид ва бошқа диний ташкилотлар вақф мулкларини бевосита бошқариш икки кишидан иборат коллегия билан бирга мутаваллига юкланган.

Мутаваллини сайлаш вақф ташкилотининг турар жойида маҳаллий вақф бўлинмаси вакили томонидан вақфномага асосан ўтказилиши белгиланган. Ҳар бир мутавалли инвентар дафтари тутиб унга барча вақфномаларни ёзиб қўйиши ва ҳар бир вақфномада кўрсатилган вақф мулкларини тўла санаб ўтиши шарт эди. Вақф мулкларидан тушган

⁴³ Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши...-Б.50.

⁴⁴ Ўша асар.-Б.51.

маблағни мусулмон аҳолисининг маданий - маърифий ва хайр-эҳсон ишларига сарфланиши керак эди.

Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг 1920 йил 26 февралдаги қарорида вақф мулклари даромадидан қандай мақсадларда фойдаланиш тўғрисида аниқ кўрсатма берилмаган эди. Туркистон ҳукуматининг вақфга тегишли кейин қабул қилинган қарорларида бу масалага озроқ бўлсада аниқлик киритди.

1920 йил 14 апрелдаги РКП (б) МК Туркистон ўлка комитетининг ер масаласи бўйича тезисларида шундай дейилган: «Вақф ерлари зироат комиссариати ихтиёрига берилади. Бу ерлардан тушадиган даромадлар маориф комиссариатига борилади ва мусулмон аҳолиси орасида маданий - маърифий ишлар олиб бориш учун фойдаланилади»⁴⁵.

1920 йил 19-25 сентябрда бўлиб ўтган Туркистон Республикаси Советларининг IX съезди Туркистон ўлка комитетининг тезислари асосида ер масаласи бўйича тезислар қабул қилди. Съезднинг бу ҳужжатида: «Вақф ерлари маданий-маърифий мақсадлар учун фойдаланилади ёки умумий асосда ер тузишга тортилади» деб кўрсатилади. Съезднинг бу қарори ўта расмий, баённома шаклида қабул қилинган эди. Бу қарорни ким, қандай амалга ошириши кўрсатилмаган эди.

Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Ҳалқ Комиссарлари Совети 1920 йил 17 ноябрда «Россия Совет Федерациясининг Туркистон республикасида ердан фойдаланиш ва ер тузиш тўғрисидаги Низом» ни қабул қилди. Ушбу низомда Республика ҳудудидаги барча ерлар кимнинг тасарруфида бўлишидан қатъий назар давлат мулки деб эълон қилинган ва «Вақф ерларининг ҳаммаси болалар боғчалари, етимхоналар, коммуна-мактаблар ва бошқа маданий-маърифий ташкилотлар ташкил қилиш учун Маориф ҳалқ комиссариатига ўтади, бу мақсадлар учун фойдаланилмаганлари эса умумий тартибда ер тузиш ишларига берилади»,- деб кўрсатилди.

Ҳукуматнинг бу низомида вақф ерлари давлат мулки эканлиги қайд этилди ва улардан фойдаланиш ҳукуқи Маориф ҳалқ комиссариатига берилди. Ҳукуматнинг бу қарорида фақат вақф ерлари тўғрисида гап кетади. Вақф мулкларининг бошқа турлари бўлган бозорлар, каппонлар, карвонсаройлар, дўконлар, тегирмонлар, обжувозлар ва бошқалар тўғрисида ҳеч қандай кўрсатма берилмаган эди.

Ҳукумат қабул қилган ҳужжатлардан кўриниб турибдики, большевиклар Туркистонда вақф ерларини национализация қилишга, давлат ташкилоти тасарруфига ўтказишга ҳаракат қилганлар. Бундан кўзда тутилган мақсад мусулмон руҳонийларини вақф мулкидан маҳрум қилиш, уларни моддий базасини заифлаштириш, маҳаллий

⁴⁵Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг) Сборник документов.-Ташкент.: 1962. -С.108.

аҳолига таъсирни сусайтириш эди. Шу билан бирга вақф мулкларидан келадиган катта даромадни совет ҳокимиятининг маданий- маърифий ишларига сарфлашни назарда тутар эди.

Маориф халқ комиссарлигининг Вақф бўлими мудирини Баширулла Хўжаев Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг 1920 йил 17 ноябрдаги Низомига мувофиқ вақф мулкларидан фойдаланиш тўғрисида 1921 йил 23 мартда буйруқ эълон қилди⁴⁶. Буйруқда кўрсатиладики, Маориф халқ комиссариати жойлардаги халқ маорифи бўлимлари орқали барча вақф ерларини ҳисобга олади. Буйруқ эълон қилингунга қадар вақф мулкларидан фойдаланиш тўғрисидаги шартномалар бекор қилинди.

Вақф мулклари Маориф халқ комиссариати томонидан болалар боғчалари, майдонлари, меҳнат коммуна-мактаблари, мактаб ўқувчилари меҳнати билан ишланадиган полизлар ва экин майдонлари, интернатлар, кутубхоналар, кироатхоналар ва бошқа маданий-маърифий ташкилотлар барпо этиш учун режалаштирилган. Бу ташкилотлар Маориф халқ комиссариати ва унинг маҳаллий органлари умумий сметаси бўйича ташкил қилинади, деб кўрсатилади буйруқда.

Маориф халқ комиссариати фойдаланадиган вақф мулкларини Зироат, Ички ишлар халқ комиссариати ва Халқ Хўжалик Марказий Кенгаши бу идоралар вакилларининг ўртасида бўлишга бағишланган мажлис чақирилди. Бу кенгашда тегирмон, абжувозларни Халқ Хўжалик Марказий Кенгашига, экин ерларни Зироат халқ комиссариатига, савдо дўконлари, ҳаммом ва шунга ўхшашларни Ички ишлар халқ комиссариатига, тарихий ёдгорлик ҳисобланадиган мадраса, масжид, макбараларни Маориф халқ комиссариатига беришга қарор қилинди. Шундай қилиб, совет қонунларига биноан мусулмон диний ташкилотларидан вақф мулклари тортиб олинди ва давлат ташкилотларига бириктириб қўйилди. Вақф мулклари қайси давлат ташкилотига бириктирилган бўлса, улардан тушадиган даромадлардан ўша ташкилот фойдаланиши мўлжалланган эди.

РКП (б) нинг Туркистондаги сиёсий органи - Туркбюро ва Туркистон Компартияси Марказий Комитети НЭП шароитида мулкдорлар синфига қарши кураш вақтинча пасайганлигини ва ўлкадаги истиқлолчилар ҳаракатини кучайганлигини, бунда руҳонийлар муҳим роль ўйнаётганлигини ҳисобга олиб уларни вақф мулкларини тортиб олишни секинлаштиришга қарор қилди. Ҳукуматнинг 1920 йилдаги йўл-йўриқларига кўра барча вақф мулклари давлат мулки деб эълон қилиниб давлат ташкилотлари тасарруфига

⁴⁶ Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши...-Б.53.

ўтказилган эди. Маҳаллий шароит бу коидаларга озгина ўзгартириш киритишга, вақфларни мусодара қилишни босқичма-босқич амалга оширишга мажбур қилди.

Маълумки, вақфлар масаласи совет ҳокимияти йилларида дастлаб Умумтуркистон Советларининг IX ва X съездларида муҳокама қилинган эди. Совет ҳукумати диний вақфларни тугатиш ҳамда уларнинг даромадларидан маданий-маърифий мақсадлар йўлида фойдаланишни мўлжаллаган, лекин республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлари, маҳаллий аҳолининг тақводорлиги, қуролли қаршилик ҳаракатини давом этаётгани, диний вақфларни дарҳол тугатишга йўл бермаган. Бош вақф бошқармасининг маърузаларидан бирида таъкидланадики, мадрасаларга тегишли бўлган вақфларни тугатиш ва уларни маҳаллий хўжалик бўлимларига бериш масаласи дастлаб, 1922 йил декабрда Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлар Совети ва Марказий Ижроия Комитетида “Вақфлар тўғрисида”ги декрет лойиҳаси муҳокамасида кўтарилган, лекин вақфларни тўла тугатиш тарафдорлари кам бўлганлиги учун бу таклиф қабул қилинмаган.

1922 йил 28 декабрда Туркистон МИКнинг 173-сонли “Вақфлар тўғрисида” ги янги декрети имзоланган. Унга кўра, 1922 йил 20 июндаги 75-сонли декрет бекор қилинди. Бу декретга кўра, вақф мулклари тегишли бўлган идоранинг йўналишига қараб ажратилди, яъни диний мақомга эга бўлган маданий-оқартув ва ҳомийликка сарфланадиган мадраса, мактаб, етимхона, мазорларга тегишли вақфлардан ўз эҳтиёжлари йўлида фойдаланишига рухсат этилди⁴⁷.

Туркистонда вақфлар тизимини тартибга солиш, Бош вақф бошқармасини тузиш, сиёсий-иқтисодий ва маданий-маърифий аҳамият касб этган. Туркистон халқлари орасида ислом динининг тутган улкан ўрни ва роли совет ҳукумати томонидан маълум даражада тан олинганлиги боис ҳам вақф мулкларига нисбатан ҳукумат дастлаб эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган.

1923 йил 11 январда 173-сонли декретга мувофиқ Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги қошида Бош вақф бошқармаси ва унинг бўлимлари ташкил этилди. Бошқарма ташкилий-ахборот, академик (илмий муассаса), молия-хўжалик бўлимларидан иборат бўлди. Бош вақф бошқармаси штатлар таркиби 14 кишидан, вақф бўлимлари 12 нафар шахсдан иборат қилиб белгиланди. Бош вақф бошқармасининг асосий вазифаси қилиб қуйидагилар белгиланди:

- 1) вақф мулкларини ҳисобга олиш, вақфларнинг асл ҳужжатларини текшириш;
- 2) мадрасаларни совет тарзида қайта қуриш, улардаги маданий-оқартув ишларини назорат қилиш;

3) вақф мулки ва даромадларини назорат қилиш ҳамда уларнинг белгиланган тарзда сарф қилинишини кузатиш;

4) диний вақфлар фаолияти ва аъзолари, ҳамда тушумлар сарф-ҳаражатлари устидан назорат ўрнатиш ва кузатиш. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Бош вақф бошқармаси томонидан тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Мадрасаларни қайта қуриш ва уларда маданий-оқартув ишларни ташкил қилиш дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинган. 173-сонли декретнинг 14-бандидаги иловасига кўра янги дастурларни қўлламаган мадрасалар вақф даромадларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган⁴⁸.

1923 йилда Бош вақф бошқармаси таркибида тузилган комиссия ҳайъати қарорида қуйидагиларга эътибор қаратилган⁴⁹:

1. Туркистон туб аҳолиси маданий-маърифий ва диний талабларини қондириш учун ташкил этилган барча мавжуд бўлган вақфлар давлат умумхалқ мулки деб ҳисоблансин. Ҳар бир вақф мулкидан келадиган даромад белгиланган муассаса ҳисобига йўналтирилган бўлиши керак;

2. Бош вақф бошқармаси ваколатига, бирон-бир вақфлар даромадини бошқа бир вақфлар ташкилотлари ҳисобига ўтказиш ҳуқуқи берилсин, агар улар маданий-маърифий аҳамиятга эга бўлса;

3. Барча эски вақфларни икки тоифага бўлиш таклиф қилинсин, яъни диний ва маданий-маърифий. Диний вақфларга масжид, қорихона ва “Мақсура” вақфлари кирадиган бўлса, қолган барча вақфлар маданий-маърифий ҳисоблансин. Диний вақфлар устидан умумий назорат ва текшириб туриш ҳамда маданий-маърифий, ободончилик вақфларини бошқариш, идора этиш ваколати Бош вақф бошқармаси зиммасига юклатилган.

Мадрасалар ҳамда бошқа диний муассасаларнинг вақфларидан олинадиган даромадлардан фойдаланиш тартиби совет ҳокимиятининг доимий диққат марказида бўлди. Бунга далил сифатида Туркистон Республикаси ХКСнинг 1923 йил 17 мартдаги кенгайтирилган йиғилишини мисол тариқасида келтириш мумкин. Мазкур йиғилишда вақф маблағлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди. ХКС маданий-маърифий аҳамиятга эга бўлган вақфларнигина тан олиш зарур деган қарорга келди. Бу маблағлар биринчи навбатда совет мактабларини таъминлашга, уларнинг бир қисмигина мадрасалар учун ажратилган эди⁵⁰.

⁴⁷ Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши...-Б.61.

⁴⁸ Комилов О.К. Ўзбекистон миллий таълимидаги ўзгаришлар...-Б.91.

⁴⁹ Ўша жойда.

⁵⁰ Комилов О.К. Ўзбекистон миллий таълимидаги ўзгаришлар...-Б.92.

Бундан шуни кўриш мумкинки, совет ҳукумати 1923 йилдан бошлаб мадрасалар фаолиятини тугатиш мақсадида уларнинг иқтисодий асосини чеклашга киришган. Бош вақф бошқармаси совет ҳукуматининг бу сиёсатини бевосита амалга ошириш ва уларни советлаштириш вазифасини ўтаган.

2.2. Вақф мулкларининг тугатилиши

Совет ҳукумати 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб вақф мулкларини тугатишга доир сиёсат олиб борди. Фарғона областидаги вақф ерлари 25434 десятинанни ташкил қилган. Фактлар шундан далолат берадики, ислохотга тайёргарлик давридаги ерни ҳисобга олиш ишлари натижаси ҳақидаги маълумотлар амалдагидан анча кам бўлган. Масалан, даставвал ҳисобга олинган давлат, вақф, эгасиз, миллийлаштирилган ерлар 30572 десятинанни ташкил этган. Фарғона областида ер – сув ислохотини ўтказиш натижасида давлат, вақф ва бошқа ерлар 239607 таноб ёки 40000 десятинага яқин ерлар, ерсиз ва кам ерли деҳқонларга бўлиб бериш учун ташкил қилинган давлат ер фондига кўшилди⁵¹. Кўриниб турибдики, вақф ва давлат ерлари миқдори дастлабки ерлар ҳисоби натижасидан 10 минг десятинага кўп бўлган.

Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ялпи даромад 1921 йилдан 1924 йилгача бўлган даврда 175.507 олтин рубль миқдорини ташкил қилган. Уларнинг ҳисобидан сарф харажатлар қуйидаги тарзда амалга оширилган:

- 380 нафар ўқувчиси бўлган 6 та диний мадрасалар таъминоти, хусусан, Кўкалдош, Турсун-Дажак, Говкушон, Мурғоб, Девон-беги ва Жуй-Жарларга ва 15 та мударрисга маош тўланган;

- Маҳкама-Шаръия диний бошқарма 8 та штат бирлигини сақлаш учун маош ажратилган;

- “Хўжа Парсо” мадрасасида ,“Дорил-Тажавот” нинг 38 ўқувчига мўлжалланган диний мактабида, 1 мударрис, 1 техник хизматчи хизмат қилган ва у ердаги ўқувчиларга вақфлар маблағидан пешин ва тушлик берилган;

- “Исмани-Хўжа” мадрасасидаги “Дорил-Ғажизин” Қуръонни ўрганаётган 60 қорихонага ҳар бирига ойида 10 рубль миқдорида вақфлар ҳисобидан нафақа берилиб борган;

⁵¹ Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг).Сборник документов.-Т.: 1962.-С.257.

- 105 та эски усул мактабларини қисман таъминлаш учун ;
- бўлим аппаратини таъминлаш учун;
- диний вақфлар ҳисобидан нафақалар бериб бориш учун имомларга-220 киши, муаззинликка- 231 киши, хатибларга- 97 киши, қориликка-700 киши, мутаваллиликка- 400 киши, маснавахонликка -15 киши, мударрисликка-45 киши тайинланган. Бу шахсларга бир ойда 9000 рублгача маблағ сарф қилинган;
- 131 мадрасанинг биноларини қисман таъмирлаш учун маблағлар сарф этилган⁵².

1923 йилнинг бошидан БХСР Бош вақф бошқармаси эски таркиби алмаштирилиб, вақфлар масаласидаги ишлар кўпроқ совет тартибига мослаштирила бошланди. Вақф мулкларни топиш ва уларни ҳисобга олиш чоралари кўрилди, мулкларни ишлатишнинг тегишли тартиби ўрнатилди. Вақфлар ҳақида вақтли Низом ва мулкларни ишлатиш тартиби ишлаб чиқилди. Маърифий ишларга маблағнинг катта қисми ажратилди. Вақф идоралари ходимлари-аппарати 50 фоизга қисқартириш амалга оширилиб, энг яхши ходимларни танлаш йўли билан шахсий таркиб ходимлари сифатида анча яхшиланди⁵³.

Республика партия ташкилоти ер-сув ислоҳоти жараёнида вақф ерларини давлат ер фондига киритиш ва камбағал деҳқонларга бўлиб беришга қарор қилган эди. Совет органлари партия ташкилотлари кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда ислоҳотни амалга оширдилар.

1923 йил 19-20 июнда Туркистон АССР Советларининг XI съезди бўлиб ўтди. Унда ХКС ва область ижроия комитетлари қарорларининг ижроси муҳокама қилинган. Бу ишни амалга оширишда Бош вақф бошқармасининг роли катта бўлган. Советларнинг XI съезди қарорида жумладан, миллий маориф масаласи ҳам кўрилди. Съезд қарорида: “Вақф масаласи, вақф мулклари даромадларидан биринчи галда, совет ва янги усул мактабларини қўйи босқичларидан бошлаб имкон қадар фойдаланиш йўли билан ҳал қилиниши, руҳонийларга қарши курашиш мақсадида янги усул мадраса, мактаб, маориф ишларида миллий зиёлилардан фойдаланишга кенг имкон берилсин”,-деб таъкидланган эди.

1923 йил сентябрдан ислоҳ қилиниб, янги усулга айлантирилган мадрасаларда таълим-тарбия ишларини бевосита бошқариш мутаваллилар зиммасида қолди. Маданий-маърифий муассасалар - мадраса мутаваллиларини вақф бўлими тайинлайдиган бўлди.

1923 йил 6 декабрда Маориф халқ комиссарлигининг маърузасида шундай дейилган: “Бош вақф бошқармаси томонидан мадрасаларни советлаштириш ва уларни таъминлашга, шунингдек, 65 фоиз маблағ биринчи босқич тўққиз йиллик мактаблар

⁵² Алимов И.А. Қўрастилган асар...-Б.45.

⁵³ Ўша жойда

биноларини ҳамда маданий-маърифий муассасаларни қурилишига 20 фоиз ва хўжалик эҳтиёжларига 15 фоиз сарфланадиган бўлди”⁵⁴.

1923 йилда Бош вақф бошқармасининг кўпгина вақф бўлимлари ихтиёрига ўтган 10.000 десятина вақф ерлари 1924 йилнинг бошларида камбағал деҳқонларга бўлиб берилган .

1924 йил 1 январдан Туркистондаги 212 та мадраса Бош вақф бошқармаси томонидан рўйхатга олиниб, уларнинг аста-секин ёпилиши бошланган. Уларнинг бинолари янги совет мактабларига мослаштирилиб қайта қурила бошланди. Мадрасаларнинг ўқув дастурларидан диний фанлар бутунлай сиқиб чиқарилди.

Ўзбекистон Бош вақф бошқармасининг 1925 йил бошларида собиқ Туркистон Республикасида вақфларни ахволи тўғрисида раҳбар идоралардан бирига ёзган маърузасида мадрасаларни ислоҳ қилишнинг якуни ҳақида шундай дейилган: “Бош вақф бошқармаси ташкил қилинган кундан бошлаб, 8 та мадраса, 30 га яқин мактаблар ислоҳ қилинди. Қолганлари, шунингдек, қорихоналар ҳам ёпилди ёки вақф даромадидан олиб ташланди. Уларни ёпилишига сабаб шу эдики, кўплаб мадраса, мактаб, қорихоналар бино ва хоналари ҳозирги мактабларга бутунлай мос эмас, уларни қайтадан қуриш катта маблағ талаб қиларди, шунингдек, мадрасаларда талабалар сони унчалик кўп бўлмаган. 1924 йил 1 апрелдан эса ислоҳ қилинган мадрасалар Маориф халқ комиссарлигининг ягона – меҳнат (совет) мактабининг II босқичига ўтказилди. Тошкент, Фарғона ва Самарқанд ҳудудларидаги диний мусулмон мактаблари – мадраса, мактаб, қорихоналар ҳозирги кунда вақф маблағидан таъминланмайди”.

Ўзбекистон советларининг биринчи съездининг ер-сув ислохотида тайёргарлик кўриш тўғрисидаги қарори белгиланган муддатда бажарилди. Ўзбекистон Компартиясининг 1925 йил ноябрда бўлиб ўтган II съезди ер-сув ислохоти тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорда жумладан, шундай дейилган: “ ... 11. Чорикорларга улар аслида ишлов бераётган ерларини бириктириб қўйиш билан бирга қайта суғорилган давлат ер мулки, вақф ва бекор ётган ерларни бўлишда имтиёз бериб, уларни ер билан таъминлаш зарур.

12. Бойлар ерлари, давлат ер мулки ва вақф ерлари ер фондининг манбалари ҳисобланади”⁵⁵.

1925 йил 19 декабрда Ўзбекистон ССР МИК “Вақфлар ҳақида” ги 168-сонли қарор қабул қилди. Ушбу қарор Ўз ССР Советлари МИК раиси ўринбосари С.Қосимхўжаев ва котиб Волик томонидан имзоланди. Мазкур қарорга кўра:

⁵⁴ Комилов О.К. Ўзбекистон миллий таълимидаги ўзгаришлар...-Б.92.

⁵⁵Резолюции и решения съездов компартии Узбекистана. - Т.: 1957.-С.79-80.

- вақфлар мулки деб, ушбу қарор чиққунига қадар мулкдан воз кечиш йўли билан хусусий шахслар ёки бирлашмалар томонидан маданий-маърифий ёки ижтимоий фойдали муассасаларга ҳада этилган мулкларни, шунингдек, улардан фойдаланиш ҳукукини берувчи мулкларгина тан олинган.

- маданий-маърифий, ижтимоий фойдали мақсадларида таъсис этилган вақфлар мулки давлат мулки деб ҳисобланади. Диний жамоалар (вақфлар) масжидлар мулкидан фойдаланиш тартиби, махсус қонун-қоида билан белгиланган.

- барча шаҳар четидаги вақф ерлари Ўз ССР Ер ишлари комиссарлиги назоратига киритилган.

- бош вақф бошқармаси, Маориф халқ комиссарлиги қошида бўлиб, махсус “Низом” асосида фаолият олиб борилган.

Қарорда, шунингдек, вақф мулки таркибига ер, бозор, каппон, карвонсарой, савдо дўконлари, ҳаммом, тегирмон, обжувоз ва бошқаларнинг кирганлиги айтиб ўтилган. Шаҳар чегарасидан ташқаридаги барча вақф ерлари давлат ер фондига киритиш учун Ўзбекистон Ер ишлари халқ комиссарлигига топширилди. Маданий-маърифий вақфларга ва диний вақфларга (масжид) ларга тегишли шаҳар чегарасидан ташқарисидаги боғлар ва узумзорлар Ер ишлари халқ комиссарлигига ўтказилмади. Улар диний ташкилотлар ихтиёрида қолдирилди.

Ўзбекистон ССР МИКнинг 168-сонли “Вақфлар тўғрисида”ги қарорида диний жамият (масжид)лар вақф мулкларини фойдаланиш тартиби ўзгартирилмади. Туркистон МИКнинг вақфлар тўғрисидаги декретига, Халқ Комиссарлари Совети 1923 йил 4 мартда тасдиқлаган бу декретни амалга ошириш тўғрисидаги Низомга асосан диний вақф мулкларидан тушадиган даромадлар масжидларни таъмирлаш, “Маҳкамаи Шаръия” (Диний бошқарма) ни таъминлаш, руҳонийлар: мулла, хатиб, муаззин ва бошқа диний ходимларга сарфланар эди. Бу сарф - ҳаражатлардан ортиб қолган маблағлар маданий-маърифий мақсадлар учун фойдаланиши кўзда тутилган эди. Шундай қилиб, Ўз ССР МИК ўзининг 1925 йил 19 декабрдаги “Вақфлар ҳақида”ги қарори билан маданий-маърифий характердаги вақф ерларини “давлат мулки” деб эълон қилган. Бу билан у мадрасаларнинг иқтисодий асоси бўлган вақфлардан маҳрум қилган.

Фарғона ва Тошкент областлари Диний бошқармалари Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти ўтказилиши арафасида мурожаатномалар қабул қилди. Фарғона области Диний бошқармаси (Назорати) Қўқон шаҳрида жойлашган эди. Қўқон шаҳридаги диний назорат ходимлари эълон қилган мурожаатномани ўша давр ҳужжатларида Қўқон руҳонийлари ривояти деб номлаган. Мазкур мурожаатномада “Қуръон” ва бошқа диний китобларга асосланиб: “Ер-сув ислоҳотини ўтказилиши қонуний ҳамда шариатга ҳам мос”,-деб

кўрсатишга ҳаракат қилинган. Қадимчилар Фарғона области Диний назорати ходимлари эълон қилган мурожаатномага қарши чиқдилар. Улар ер-сув ислоҳотини шариат қонун-қоидаларига зид деб ҳисобладилар. Фарғона области Бирлашган давлат сиёсий бошқармасининг 1926 йил мартдаги ер-сув ислоҳоти якунлари тўғрисидаги ахборотномасида таъкидланадики: “мутаассиб руҳонийлар ер-сув ислоҳотига қарши, улар ислоҳотни диний нуқтаи – назардан оқлаб бўлмайди, акс ҳолда дин ўзига гўр қазиган бўлди, деб ҳисобламоқдалар. ...Муҳаммаднинг ҳақиқий издошлари бундай ривоятларни ҳеч қачон эълон қилмайдилар ва бу руҳонийларни совет ҳокимиятига сотилган деб билиш керак”⁵⁶. Совет органлари расмий хабарномаларидан ҳам аниқ кўриниб турибдики, мусулмон руҳонийлари ер-сув ислоҳотига монелик кўрсатдилар, тўсқинлик қилдилар.

Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Совети 1926 йил 22 сентябрда “Шаҳардаги вақф мулкларини маҳаллий хўжалик бўлимлари ихтиёрига аста-секин топшириш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Бу қарор Ўзбекистон МИКнинг 1925 йил 19 декабрида қабул қилган “Вақфлар тўғрисида”ги қарорига зид эди. МИКнинг қарорида: “Вақф мулклари Бош вақф бошқармаси қарамоғида ва ихтиёрида бўлади”,- дейилган эди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги ХКСнинг вақф мулкларини маҳаллий хўжалик бўлимларига топшириш тўғрисидаги қарорига қарши чиқди.

Маориф халқ комиссарлиги билан ХКС ўртасидаги можаро ва ХКС қарорини МИКнинг “Вақфлар тўғрисида”ги қарорига зид эканлиги директив органларни, жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ХКС қарорини бекор қилишга мажбур қилди. Вақф мулкларини маҳаллий хўжалик бўлимларига эмас, балки Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлигига беришга қарор қилинди.

Ўзбекистонда ер – сув ислоҳотини ўтказиш босқичма – босқич амалга оширилди. Иккинчи босқичда 1926-1927 йилларда ер – сув ислоҳоти Зарафшон вилоятида ўтказилди. Бу муҳим тадбир Ўзбекистон ҳукуматининг 1926 йил 16 декабрдаги “Зарафшон вилоятида ер – сув ислоҳоти тўғрисида”ги декрет асосида амалга оширилган. Зарафшон вилояти собиқ Бухоро Республикасининг Ўзбекистонга қўшилган ҳудудининг асосий қисмида ташкил қилинган эди. Бухорода исломни маҳаллий аҳолига таъсири кучли бўлганлигини ҳисобга олиб совет ҳукумати вақф ерларини диний ташкилотлардан тортиб олиш масаласига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашди. “Зарафшон вилоятида ер-сув ислоҳоти тўғрисида”ги декретда шундай дейилган: “Меҳнаткаш деҳқон хўжалигига вақф ерларидан фойдаланиш ҳуқуқини узил-кесил ҳал қилиш, улар елкасида оғир юк бўлиб келаётган солиқларини тўла тугатиш мақсадида ҳар бир район учун белгиланган норма

⁵⁶Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг) Сборник документов.-Т. : 1962.-С.260.

асосида амирлик даврида маданий – маърифий вақфларга тегишли бўлган меҳнат қилиб фойдаланаётган ерлар уларга бириктириб қўйилган”⁵⁷.

Маданий – маърифий вақф ерлари, яъни мадраса, мактаб, қорихона, етимхона, хожиҳона ва бошқаларга тегишли вақф ерлари одатда вақфкор деҳқонларга ижарага бериб фойдаланилган. Бу хўжаликлар вақф ерларини доимий равишда, хаттоки авлоддан-авлодга ўтказиб фойдаланиб келишган. Декретга мувофиқ бундай вақф ерларини ижарачи меҳнаткаш деҳқон хўжаликларига ҳар бир район учун белгиланган нормада бириктириб қўйиш, бу ерлардан доимий фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштириб қўйиш ер-сув ислоҳоти ўтказиш комиссиясига топширилган эди. Бу тадбир советлар томонидан сиёсий мақсадларни кўзлаб оширилган эди. Собиқ Бухоро хонлиги, Республикаси аҳолиси нисбатан такводор бўлган. Рухонийларни маҳаллий аҳолига таъсири кучли эди. Аҳолини рухонийлар бошчилигида вақф ерларини советлар томонидан тортиб олинishiга қарши чиқишдан ҳадиксираб вақф ерларини қайси хўжалик фойдаланаётган бўлса, ўша хўжаликка бириктириб қўйишга қарор қилинди. Зарафшон вилоятида ўтказилган ислохотни Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятлардаги ислохотдан фарқи ҳам шунда эди. Бу вилоятларда бўлганидек, декретда Зарафшон вилоятида ҳам маданий – маърифий вақф ерлари давлат ер фондига киритилсин, деган кўрсатма бор. Бироқ, Зарафшон вилоятида бу ер фондига фақат меҳнаткаш деҳқонлар фойдаланмаётган маданий – маърифий вақф ерлари киритилган. Шунинг учун Фарғона вилоятида давлат ер фондига ўтказилган вақф ерлари нисбатан кўп бўлган. Зарафшон вилоятида эса ерсиз деҳқонларга бўлиб бериладиган ер фондига жуда кам вақф ерлари тушган, чунки вақф ерларининг асосий қисми вақфкор деҳқонларга бириктириб қўйилган эди. Ер-сув ислоҳоти натижасида, Зарафшон вилоятида ер фондига жами 32230 таноб ер ўтказилган, шундан 12850 таноб давлат ер мулки ерлари ва фақат 83 таноб вақф ерлари эди⁵⁸. Аслида, собиқ Бухоро республикасини энг унумдор ерларини ўз ичига олган Зарафшон вилоятида вақф ерлари Фарғона вилоятига нисбатан анча кўп бўлган. Фарғона вилоятида ҳисобга олинган жами вақф ерлари 31593 десятина яъни, 189558 танобни ташкил қилган. Собиқ Бухоро Республикасининг ҳудудида жами вақф ерлари 488265 таноб, шундан 27037 таноби маданий- маърифий вақф ерлари бўлган⁵⁹. Бухорода ҳар уч таноб бир десятинага тенг эди. Демак, Бухоро республикасида 109 минг десятина маданий- маърифий вақф ерлари бўлган.

⁵⁷ Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши...-Б.104.

⁵⁸ Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши...-Б.165.

⁵⁹ Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши...-Б.167.

Ўз ССР Маориф халқ комиссарлигининг вақф бўлимлари томонидан мадрасаларга тегишли бўлган вақф мулклари совет мактабларини таъминлашга сарф қилинди. Жумладан, 1926-1927 хўжалик йилида вақф маблағлари ҳисобига 7 та 2-босқич мактаб (ислоҳ қилинган мадраса) ни, 3 та техникум, 4 та педагогика курси, 95 та саводсизликни битириш мактаби, 1 та аёллар клуби, 1 та кутубхона, 6 та болалар боғчаси, 17 та стипендиатларни таъминлаган. Шунингдек, 15 мактабни қуриб тамомлаш, 7 та мактабга 1 тадан синф қуриш, янги мактаб бинолари қуриш, тарихий ёдгорликлар, совет мактаблари биноларини таъмирлашни режалаштирган.

1927 йил 15 августда Ўзбекистон МИК ва ХКС “Вақф мулкларини Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги қарамоғига топшириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Қарорда шундай дейилган:

1. Барча мулклар маданий-маърифий вақф мулклари деб, тан олинсин. ЎзССР МИК ва ХКСнинг 1925 йил 19 декабрдаги 168 – сонли “Вақфлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ (Ўз ССР қарорлар тўплами 1925.- №60.) Ўз ССР Маориф халқ комиссарлиги қарамоғи ва ихтиёрига берилсин.

2. Шунингдек, ушбу қарор эълон қилингунига қадар вақф бошқармаси органлари аниқлаган ва ҳисобга олган диний вақфлар мулклари давлат мулки ҳисобланиб, Ўз ССР Маориф халқ комиссари қарамоғи ва ихтиёрига берилсин.

3. Кўрсатилган (1, 2- моддаларда) мулклардан олинадиган даромадлар Ўз ССР Маориф халқ комиссарлигининг махсус маблағига айлантирилсин ва халқ маорифи эҳтиёжига сарфлансин.

Ўз ССР МИК ва ХКС нинг 1927 йил 15 августдаги қарорига қадар диний вақф мулклари масжидлар қармоғида бўлса, 1927 йил 1 октябрдан улар ҳам давлат мулки деб эълон қилинди ва маданий-маърифий вақфлар қатори ЎзССР Маориф халқ комиссарлиги ихтиёрига берилди. Барча вақф мулклари амалда давлат мулкига айланди ва улардан маҳаллий хўжалик бўлимлари фойдалана бошлади.

Ўзбекистон II чақириқ Советлар МИКнинг 1928 йил 13-19 ноябрь кунлари 4-сессияси бўлиб ўтади. Унда вақф масалалари ҳам кўрилди. Унга кўра, давлат ер мулки таркибидаги собиқ маданий-маърифий, диний вақф ерлари ерсиз ва кам ерли дехқонларга ҳамда меҳнат бирлашмаларига фойдаланиш учун берилиши бўйича ҳукумат махсус қарор қабул қилади.

Қарорга асосан, барча мадрасаларнинг вақф ерлари батрак, чоракор, ерсиз ва кам ерли дехқонларга тақсимлаб берилган. Ҳукумат томонидан чиқарилган бу қатъий қарор мадрасаларнинг вақф мулкларини тамомила йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлди.

III. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МУСУЛМОН РУҲОНИЙЛАРИ, ДИНИЙ МУАССАСАЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

3.1. Советларнинг диндорлар ва ислом уламоларига қарши шафқатсиз кураши

Ислом дини ўзбек халқи ўртасида асрлар давомида асосий диний эътиқод сифатида мавжуд бўлган. Ўзбек халқининг урф-одатлари, анъаналари ислом динининг одат ва маросимлари билан узвий равишда боғланиб кетган. Шариат ва одат халқимизнинг турмуш тарзи ва ҳаётини белгилаган.

Туркий халқларнинг, хусусан, ўзбек халқининг турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналари 1300-1400 йил давомида ислом дини, унинг муқаддас китоби – Қуръони Карим ва пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадислари асосида шаклланди. Мусулмонларнинг турмуши шариат ва одат билан чамбарчас боғлиқ эди. Ислом дини тараққиётида туркистонлик Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Ҳаким Термизий, Абу Ҳафис Кабир Бухорийнинг асарлари, шунингдек, тасаввуфнинг йирик намоёндалари, Ҳаким Термизий, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Хожа Ахрорнинг таълимотлари муҳим аҳамият касб этган. Ислом омили Туркистонда бўлиб ўтган миллий озодлик ҳаракатларида муҳим роль ўйнаган.

Шу сабабли совет ҳукумати айни вақтда диндорлар ва ислом уламоларига нисбатан кескин кураш олиб борди. Бироқ 1922 йилда Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан декретларнинг қабул қилиниши орқали вақф мулкларининг тикланиши, қозилик ва бийлик судларига фаолиятига рухсат берилиши, 1921 йилнинг бошларида “Маҳкамаи Шаръия” диний бошқармасини ташкил этилиши, марказий ва вилоят диний бошқармалари орқали берилган айрим имтиёзлар ҳам республикадаги тарихий вазият оғирлиги туфайли совет ҳукуматининг бу борадаги ўз стратегик йўлидан вақтинчалик чекинганлигини кўрсатади. Туркистон жамиятида XX аср бошларида ҳам ислом динининг таъсири жуда кучли бўлган. Октябр тўнтариши (1917)дан кейин минтақада совет режими ўрнатилгач, дастлабки йилларда совет ҳокимияти ислом дини арбоблари: руҳонийлар, уламолар, мударрислар, мутаваллилар, имомлар, эшонлар ва бошқалар билан мурося қилишга мажбур бўлган. Бироқ XX аср 30-йилларидан бошлаб Ўзбекистонда уламолар фаолиятига чек қўйилди. Шундай бўлишига қарамасдан Ўзбекистонда мусулмон диний муассасалари ва ташкилотлари бутун совет ҳокимияти йилларида имкон даражасида фаолият кўрсатди.

Советларнинг Туркистон ўлкасида диний муассаса ва ташкилотларга нисбатан юритган сиёсати 1917-1924 йилларда беқарорлик ва ишончсизлик тамойиллари асосида амалга оширилди. Бу эса ўлкада диний омилнинг кучли таъсири туфайли ошқора атеистик сиёсатни олиб боришни чеклаган. Бироқ бу жараён узоққа чўзилмай, 1924 йилнинг охиридан бошлаб диний уламоларга, ислом муассаса ва ташкилотларга қарши очиқ курашга ўтила бошланди. Собиқ Туркистон АССР, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларидан таркиб топган янги субъект - Ўзбекистон ССР ташкил топганидан кейин “динга қарши ташвиқот ва турмуш хурофатларига қарши кураш”, партия ва комсомол ячейкаларида динга қарши бевосита тарғиботни йўлга қўйиш учун вақт келди деб ҳисоблаш босқичига ўтилди⁶⁰.

20-йилларнинг биринчи ярми бошида Марказда ва Ўзбекистонда динга қарши матбуот органлари ва махсус ташкилотларининг тузилиши, худосизлик учун кураш ҳаракати оммавий тус олди.

1922 йилнинг охиридаёқ марказда дахрийлик сиёсатини тарғибот қилувчи “Атеист” ва “Безбожник” газеталари чоп этила бошланди. 20-йилларнинг иккинчи ярмида, СССРда атеистик ҳаракат авж олиб, у давлат сиёсатининг узвий бўлагига айланди. Ушбу сиёсат юзасидан жойларда кўплаб “Худосизлар жамияти” тузилди. Ана шундай жамият 1923 йилда Андижонда ҳам майдонга келган эди. Ушбу жамиятлар диний тасаввурларга, унинг пешволарига қарши атеистик кураш олиб борди, унинг жойлардаги ташкилотлари зўр бериб атеистик фаолият кўрсатди. Атеизмга доир махсус газета ва журналлар нашр қилинди. Мазкур йиллар давомида совет ҳукумати томонидан ўзбек халқининг олис асрларга бориб тақалувчи моддий ва маънавий маданияти дурдоналари, мактаб, мадрасаларга қарши зўрлик йўли билан кураш олиб борилди. Ислом дини ва мусулмон руҳонийлари камситилиб, эски усулдаги мактаблар “эскилик ва хурофот уяси” сифатида таърифланди.

Совет органлари ислом динини чеклашда, унга қарши курашда оммавий ахборот воситалари – радио, телевидение, матбуотни ишга солишдан ташқари, диний ташкилотлардан –Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диний бошқармаси, масжидларнинг имом ва хатибларидан ҳам фойдаланган. Диний ташкилотлар раҳбарлари Совет органларининг тазйиқи билан ўзлари хоҳламаган бўлсалар ҳам, Диний назарот фатволарида, кўрсатмаларида кўпгина диний маросимларни, урф-одатларни таъқиқлашга, чеклашга мажбур бўлганлар.

⁶⁰ Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. 1-том.-Тошкент: 1957.-Б.48-51.

1920 йилларнинг охирида Бутуниттифок микёсида “Худосизлар” уюшмаси 14 та тилда, 18 та номдаги ўз нашрларига эга бўлди⁶¹. Худосизлик тарғиботи жамиятнинг барча гуруҳ ва табақалари орасида тарғиб қилиниб, ҳатто армия техникаларига “Худосизлар самолёти”, “Курашчан худосиз танки”, “Курашчан худосиз самолёти”, “Ураллик худосиз танк колоннаси” кабилар динга қарши курашнинг рамзий маъносини акс эттиради.

Совет ҳукумати аста-секин диний вақфларни ҳам чеклади. Диний вақфлар таркибида 1924 йилда фақат масжидлар вақфлари қолган эди. Диний вақф мулкларидан тушган даромад “Маҳкамаи Шаръия” (Диний бошқарма), масжид ходимлари ва масжидларни таъмирлаш учун сарфланар эди. Бош вақф бошқармаси диний вақфлар даромадларини ўз кўлига олиш ва “Маҳкамаи Шаръия” ва масжидлар ходимлари (имом, ҳатиб, муаззин ва бошқалар)ни бу даромаддан маҳрум қилиш учун ҳаракат қилди. 1923 йил Тошкент эски шаҳри, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган, Каттакўрғон “Маҳкамаи Шаръия” лари мавжуд эди ва уларга диний вақфлар даромадидан 10% ўтказилар эди. 1924 йил 24 февралда Халқ Комиссарлар Совети қарорини чиқартириб, Бош вақф бошқармаси “Маҳкамаи Шаръия”ни диний вақфлар маблағидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилди.

Бу адолатсиз қарор Сирдарё вилояти “Маҳкамаи Шаръия”си ходимларининг норозилигини келтириб чиқарди ва улар Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасига ариза ёзди⁶².

“Маҳкамаи Шаръия” аризасида яқин кунларга қадар масжидлар вақфи фондидан ўз харажатлари учун 10% маблағ олганлигини ва энди Халқ Комиссарлар Совети қарорига асосан 10% ажратиш тўхтатилганлиги кўрсатилди. Турк МИКдан юқорида айтилган 10% ни “Маҳкамаи Шаръия” фойдасига ажратишга ёрдам беришини сўрайди.

Бу ариза Турк МИК раиси Н.Айтоқов кўрсатмаси билан 1924 йил 11 мартда Адлия халқ комиссарлигига хулоса ва фикр бериш учун юборилди. Комиссариат хулосасида “Маҳкамаи Шаръия” меҳнатқашлар давлати нуқтаи назаридан диний, зарарли ташкилот, аҳолини шаръиат йўлига бошловчи, республика учун бутунлай кераксиз, давлат қўллаб-қувватлаши мумкин бўлмаган ташкилот деб кўрсатилади. Динни давлатдан ажратиш тўғрисидаги декретга асосан “Маҳкамаи Шаръия”га расман бутунлай рад жавоби берилиши керак дейилади. Бош вақф бошқармаси ҳам Халқ Комиссарлар Советига ва МИКга юборган хулосасида “Маҳкамаи Шаръия”га рад жавоби бериш лозим, деб жавоб ёзган⁶³. Шу хулосалардан келиб чиқиб Туркистон Республикаси ҳукумати “Маҳкамаи Шаръия”га рад жавоби берган.

⁶¹ Қонун, дин, черков.-Тошкент: Ўзбекистон, 1987.-Б.54.

⁶² Алимов И.А.Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши...-Б.169.

⁶³ Алимов И.А.Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши...-Б.171.

Давлат ва ҳукумат раҳбарлари, илмий жамотчилик дахрийлик курашига кенг жалб қилинди, “Худосизлар” уюшмаси аъзолари ва фаолларининг сони 1920 йилда Иттифок бўйича 100 минг киши бўлган бўлса, 1929 йилда 700 минг нафарни, 1932 йилга келиб эса 5,5 млн кишини ташкил қилган. Ушбу ташкилотга 2 млн.дан ортиқ ёшлар жалб қилинди⁶⁴.

Диний ишлар вакиллари ва партия, совет органлари томонидан масжидлар, диндорлар ҳуқуқларини чеклаш, атеистик ташвиқот натижасида йилдан-йилга ҳайит намозидида иштирок этганлар сони, йиғилган маблағ миқдори камайиб борган.

1927 йил Ўзбекистон Компартиясининг III съезидида “Дин ва динга муносабат” юзасидан 2 та резолюция қабул қилиниб, ушбу резолюцияларда динга қарши тарғиботни янада кучайтириш, уламоларни таъқиб қилиш ва қатъий назорат остига олиш мазмунидаги фикрлар очиқдан очиқ баён қилинган⁶⁵.

1928 йилнинг февралдан бошлаб Ўзбекистон ССРда ойда бир марта, 3 минг нусхада 3-4 босма табоқ ҳажмда “Худосизлар” журнали чоп этилиб, унда динга қарши тарғибот масалалари кучайтириб юборилди. Республиканинг ўнлаб матбуот органларида ислом дини ва мусулмон уламоларини таҳқирловчи мақолалар чоп этилди.

Совет ҳукумати 1929 йилдан диндорларга, ислом уламоларига, диний муассаса ва ташкилотларга муносабатдаги реакцион, шафқатсиз сиёсат олиб борди ҳамда атеистик пропаганда кураши янада кучайиб борди.

1929 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистонда чоп этиладиган “Худосизлар” журнали нафақат араб имлосида, балки лотин имлосида ҳам нашр этила бошланди. Журналда марказнинг ушбу йўналишдаги журнал ва газеталарда чоп этилган рус тилидаги ўнлаб мақолаларнинг таржимаси ҳам узлуксиз эълон қилиниб турилди.

1928-1935 йилларда Ўзбекистонда динга қарши маданий-оқартув муассасалари тарғибот ва ташвиқот олиб борди. Ушбу марказларнинг сони йилдан йилга ортиб борди. 1929 йилнинг бошида республикада 187 та кутубхоналар бўлиб, улардаги умумий китоб фонди 44 минг нусхага етган. 1934 йилда республикада 362 та клуб, 2500 та “Қизил чойхона”, 12 та маданий дам олиш истироҳат боғлари мавжуд эди.

1930 йил 22 февралда бой ва кулоқ бўлгани «босмачилар»га кўмаклашгани, «босмачилар»ни яширгани айби билан 11 киши отувга ҳукм қилинган. Уларнинг орасида ўз даврининг билимдон уламолари Шаҳобиддин Омонов, Мамадали Эшон Исоқов, Мулла Фозил Оқилов, Холматхожи Мирзалиев кабилар бўлган⁶⁶.

⁶⁴ Салмонов А.М. Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар фаолияти тарихи (1917-1950 йй.). Тарих фан. номз. ... дис. Автореф.-Тошкент., 2008.-Б.21.

⁶⁵ Қонун, дин черков.-Тошкент: Ўзбекистон, 1987.-Б.54.

⁶⁶ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожiasi: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун.-Тошкент: Шарқ, 2003.-Б.170.

1930 йил апрел ойида аксилинқилобий ташкилот гуруҳларида иштирок этгани ва аксилинқилобий тарғиботчиликда айбланиб, 110 нафар диний уламолар қамокқа олинган. Улар ДГПУ қамокхоналарида қатъий режим остида сақланиб, тергов қилинган. Тадқиқотда тўғри кўрсатилганидек, совет ҳокимиятининг жазо идоралари республиканинг барча вилоятларидаги мусулмон уламолари ҳисобланмиш имом, эшон, сўфи, қори, мударрис, мутавалли, шайх кабиларнинг аниқ рўйхатини олиш, улар ҳақида маълумот тўплаш ҳақида ички ишлар нозорат органлари томонидан тафтиш ишларини ҳам олиб борилган. Фарғона вилоят халқ судининг 1940 йилда 13 та диний уламолар иши юзасидан ҳукм қилган қарорига асосан 8 киши турли муддатли қамок жазосига ҳукм қилинган, 5 кишига эса енгил жазо чоралари кўрилган.

1932 йилда “Безбожник” газетасининг ойлик тиражи 3 минг нусхага етди. Шу номдаги журнал тиражи эса 200 минг нусхада чоп этила бошланди. Ушбу муассасаларда динга қарши тарғибот марказлари, атеистлар бурчаги, “Курашчан худосизлар” уюшмасининг лекторлар гуруҳи фаол ишлаб турган. “Курашчан худосизлар” уюшмасининг маҳаллий жойлардаги ташкилотларини сақлаб туриш учун катта миқдордаги маблағ ажратилиб, биргина 1937 йилда 712 минг 600 сўм миқдорда маблағ ушбу мақсадга сарфланган. “Курашчан худосизлар” уюшмаси бошланғич ячейкалари ва уларнинг сони 1926 йилнинг январидан 2421 та бўлса, 1928 йилнинг июль ойига келиб 4654 тага кўпайган. Уларда фаолият юритган аъзолар сони эса юқоридаги йилларда 87 минг 33 тадан 216 минг 151 тага кўпайган⁶⁷.

1928-1940 йилларда диний уламоларнинг вакиллари бўлган юзлаб имом, сўфи, қори, аълам, мутавалли, бахши, мударрис, шайх, қози кабилар айбсиз тарзда қатағон қилинган. Уларга “аксилинқилобчилар”, “босмачиларнинг ғоявий раҳнамолари”, “бузғунчилар”, “бой ва қулоқлар”, “синфий душманлар”, “социализм душманлари”, “соткин ва хоинлар” каби асоссиз айблар қўйилиб, улар ўлимга маҳкум этилдилар ёки узоқ йилларга озодликдан маҳрум қилиндилар.

1937 йил 27 октябрда “учлик” йиғилишининг 54-сонли қарори билан наманганлик йирик уламо Носирхонтўра Камолхонтўраев отувга ҳукм қилинди⁶⁸.

1940 йилда Фарғона вилояти халқ судининг ҳукми билан 13 та диний уламо қамок жазосига тортилди. Уламоларни қатағон қилиш жараёнида уларни барча ҳуқуқларидан ва нафақадан маҳрум қилиш чораси кенг қўлланилган. 1938-1940 йилларда Марғилон шаҳрида 45 нафар, Қўқон шаҳрида эса 50 та диндор давлат нафақасидан маҳрум қилинган.

Диний уламолар ва диндорларга қарши кураш йўлларида бири уларни солиққа

⁶⁷ Атеистик суҳбатлар.Мақолалар тўплами.-Т., 1990.-Б.15.

⁶⁸ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожiasi: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун...-Б.173.

тортиш, солиқ тўламаганлик айби билан таъқиб қилиш чоралари кўрилганлигидир. 1940 йил 20 июнда Фарғона вилояти Халқ судида 126 уламнинг иши кўрилиб, уларга жазо чоралари белгиланган. Бутун вилоят миқёсида солиқ тўламаган 3 мингдан ортиқ уламолар рўйхатга олинган, улар деҳқончилик ва хунармандчилик соҳалари билан шуғулланишга мажбур қилинган. 1939 йилда Фарғона вилоятида 316 нафар уламога 621.511 сўм солиқ солинган бўлса, 1940 йилда 367 нафар солиққа тортилган уламодан 798.754 сўм миқдорда солиқ олинган.

Хатна тўйларини таъқиқлаб қўйиш, масжид имомларидан ер солиғи, қурилиш солиғи талаб қилиш, уларга сохта айблар қўйиш, ҳукумат ва партия аъзоларининг йиғилишларида танқид қилиш каби воситалар қўлланилиши ҳам уламоларга қарши курашиш усуллари бўлиб қолди. Шунингдек, мусулмон уламоларини қатағон қилиш омилларига шахсий адоват, кулоқ қилиш, сургун, уламоларни колхоздан ҳайдаш ва сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби турли усуллар советлар томонидан қўлланилди.

3.2. Диний муассаса ва ташкилотларга нисбатан олиб борилган кескин сиёсат ва унинг оқибатлари

Совет ҳокимияти Ўзбекистондаги диний муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини қоралаб, уларга қарши ҳужум бошлади. Жумладан, Ўзбекистонда чоп этилган “Коммунист”, “Муштум”, “Янги қишлоқ”, “Маориф ва ўқитувчи” каби бир қатор журналларда динга қарши тарғиботни кучайтиришга қаратилган мақолалар чоп этилди. Қурбон ва Рўза ҳайити байрамларини таъқиқлаш, ана шу кунларда тарғибот ва ташвиқотни кучайтириш, “Қизил чойхона”, “Қизил бурчак”, ишчи-деҳқон клубларида худосизликни тарғиб қилувчи марказлар тузиш кампаниялари уюштирилиб, улар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди⁶⁹.

Маданий соҳаларни мафкура измига солиш дин масалаларини ҳам четда қолдирмади. Марксизмга асосланган совет мафкурачилари исломнинг юксак илмий-маданий қимматини инкор этиш учун унга нисбатан “социалистик турмуш тарзига мос келмайдиган”⁷⁰ эски, қолоқ, реакцион қарашлар деган устқурмани танлаб олдилар. Марказнинг бу устқурмаси Ўрта Осиё тарихи билан шуғулланган машҳур шарқшунос олим В.В.Бартольднинг исломни жаҳон тарихининг бир кўриниши бўлган мусулмон

⁶⁹ Атеистик суҳбатлар. Мақолалар тўплами. -Т., 1990. -Б.14.

маданияти сифатидаги таърифи эътиборга олинмади.

Ўша пайтларда илғор руҳонийларнинг берган маслаҳатлари, уларнинг тинчлик-тотувлик билан таълим ислоҳотларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари рад этилди. Чунки расмий ҳукумат улардан хавфсираб, бу, янги шароитга мослашиб олиш учун уринаётган руҳонийларнинг айёр сиёсатидир, деб баҳолади⁷¹.

Партия ва давлат арбоблари орасида ислом дини Ўрта Осиёдаги маҳаллий миллатларнинг мустамлакачилик зулмига ва руслаштиришга қарши раҳнамози деган фикр мавжуд эди.

Шунинг учун ҳам динга ва руҳонийларга қарши 30-йилларда очикдан-очик кураш олиб борилди. Бунинг учун махсус “Курашчан худосизлар” ташкилоти тузилиб, унинг бўлимлари барча корхона ва муассасаларда ташкил этилди.

“Курашчан худосизлар” иттифоқи умумий шубҳаланиш вазиятини кучайтиришда катта роль ўйнади. Унинг фаолиятида ёш қизларни турмушга бериш, қалин олиш, аёлларни хўрлаш ҳолларига қаршилик кўрсатиш каби ишларда ижобий натижаларга эришилган бўлсада, бироқ руҳонийлар ва динга эътиқод қилувчиларга нисбатан шафқатсиз кураш олиб боришда салбий роль ўйнади. Бу ташкилот берган маълумотлар асосида республика ҳукумати томонидан 1931 йилнинг ўзида Фарғона, Бекобод ва Тошкентда бир қатор черковлар, масжидлар ва диний мактаблар ёпиб қўйилди.

Тошкентнинг Октябрь тумани аҳолиси комсомол клубларига айлантирилган масжидларни халққа қайтаришни талаб қилиб чиқди. Лекин бу чиқишлар тузумга қарши уюштирилган тарғибот деб баҳоланган.

“Курашчан худосизлар” иттифоқи ҳисоботида кўра, 1931 йилда беш йиллик режа бажарилган бўлиб, унинг сафига Ўзбекистонда 90000 киши аъзо бўлган, улардан 60000 нафари ёшлар эди⁷². Лекин шунга қарамасдан, Ўзбекистон халқлари диний эътиқоддан, диний кадриятлардан мутлақо воз кечмади. Большевикларнинг динга қарши зўравонлиги ва таъқиблари остида бўлсада, бу эътиқодни имкон даражасида сақлаб қолишга ҳаракат қилди.

Бироқ большевистик сиёсий доиралар ўзгача динни, ўзгача эътиқодни халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилди. Бу дин партиянинг дини, яъни марксизм ғояси эди. Бу ғояни оммалаштириш учун барча имкониятлар ва воситалар ишга солинди. Жамиятга асосий мафкура сифатида марксизмнинг киритилиши натижасида бошқа дунёқарашлар батамом инкор этилди.

“Курашчан худосизлар” уюшмасининг биргина Ўзбекистонда 3300 та маҳаллий

⁷⁰ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб...-Б.393.

⁷¹ Икрамов А. О духовенстве и школе. Избранные труды в 3-х томах.Т.1.-Ташкент: Узбекистан, 1972.-С.280.

ташкilotлари мавжуд бўлиб, уларда 112 минг фаоллар иш олиб борган. Иттифоқ бўйича 1940 йилда “Курашчан худосизлар” уюшмасининг 3 млн. аъзоси бўлиб, уларнинг 60 фоизини ишчи ва деҳқонлар, 25 фоизини аёллар ташкил қилди⁷³.

Республиканинг кўпгина туманларида динга қарши маъруза, мулоқот, савол-жавоб кечалари, дахрийликни тарғиб қилувчи “Энг яхши шеър”, “Динга қарши очерк”, “Динга қарши карикатура” каби танловлар уюштирилиб, радио эшиттиришлар, театр томошалари сингари турли туман шаклдаги иш усул ва воситаларидан кенг фойдаланилди.

Ушбу йилларда диний муассасалардан тортиб олинган масжид ва мадрасаларнинг бинолари колхоз омбори, отхона, вино-ароқ, пиво ишлаб чиқарувчи корхона кабиларга айлантилди, муқаддас қадамжоларга зиёрат қилиш таъқиқланиб, улар қаровсиз қолдирилди. Минглаб уламоларни тарбиялаб, уларни вояга етказган Тошкентдаги Бароқхон мадрасаси Ўзбекистон ССР Атеистлар музейи ихтиёрига берилиб, музейни шакллантириш ва бинони таъмирлаш учун давлат бюджетидан 17 минг сўм маблағ ажратилди.

Бу даврда динга қарши қаратилган адабиётлар нашр этишга алоҳида эътибор қаратилиб, 1939-1940 йиллар давомида 30 хил номдаги 470 минг нусхада адабиётлар чоп этирилди⁷⁴.

1940 йилда биргина Фарғона вилоятида 79.166 сўмлик динга қарши кураш мазмунидаги адабиётлар, кўлланмалар харид қилинган. Ушбу адабиётлардаги фикрлардан халқ орасида тарғиб қилиш учун 272 та агитатор, 210 нафар лектор фаолият юритган.

Диний ишлар вакили, вилоят вакиллари рухсатсиз очилган масжидларга қарши доимо кураш олиб борган, уларни ёпишга, йўқ қилишга ҳаракат қилган. Улар норасмий масжидларни ноқонуний очилган деб, имомига солиқ солиб, имомликдан воз кечишга мажбур қиларди. Ноқонуний имомларга маъмурий, жиноий жазо кўриш мумкин эмас эди. Маълум вақт ўтиб тақводорлар ўз орасидан имом тайинлаб, яна махфий равишда масжидни очиб оларди. Масжидда намоз ўқиш мусулмонларнинг қалбида бўлганлиги учун яширин масжидлар очилаверган. Диндорларнинг бу ҳаракатига қарши кураш норасмий масжидларни ёпиш масаласи Диний ишлар бўйича кенгашнинг Ўзбекистондаги вакиллари учун энг мураккаб ишларидан бири бўлган.

Совет органлари диний маросимларни – никоҳ, жаноза, маърака ва бошқаларни диний арбоблар бажариши каби урф-одатларни тазйиқ ўтказиб ҳам йўқ қилиш имкониятини топа олмай, масжидлари йўқ йирик қишлоқ ва районларга рўйхатдан ўтказилган диний арбобларни тайинлашга мажбур бўлган. Расмий масжидлар йўқ аҳоли

⁷² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб...-Б.394.

⁷³ Наука и религия.-М., 1975.-№6.-С.35.

яшайдиган жойларда қўшимча 104 нафар мусулмон диний арбоблари рўйхатга олинган ва бунинг натижасида республика бўйича мингга яқин норасмий диний арбобларнинг фаолияти тўхтатилган.

Ўзбек халқининг маънавий ҳаётида диний байрамлар, маросим ва урф-одатлар муҳим аҳамият касб этади. Диний маросимлар диний тасаввурлар ва ғояларни ифода этувчи, жамоа бўлиб бажариладиган рамзий хатти-ҳаракатлардир. Диний маросимлар динга сиғинишнинг таркибий қисми ҳисобланади. Аслида кўпгина диний маросимлар халқимиз томонидан исломгача ижод қилинган. Улар халқ орасида асрлар давомида шаклланган, умуминсоний қадриятларга айланган одатлар. Бу миллий маросимларга мусулмон диний арбоблари диний мазмун бериб, исломга мослаштириб олганлар.

Ўзбекларнинг диний маросимлари кишилар ўзаро муносабатларидаги яхши фазилатларни, миллий, умумбашарий қадриятларни акс эттиради, аҳоли ўртасида меҳр-оқибат ва мурувватни барқарорлаштиради. Бу маросимлар халқ манфаати учун хизмат қилади. Қадим замонлардан бери халқ томонидан авайлаб сақланиб келинаётган диний урф-одатлар маросимларнинг айримлари Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, муқаддас жойларни зиёрат қилиш, никоҳ ва никоҳ тўйи, хатна тўйи, ҳаётдан кўз юмганларнинг хотирасини ёд этиш, жаноза ва бошқалар. Бу байрам, тўй ва бошқа маросимлар халқимиз томонидан сақланиб келинмоқда ва жамоатчилик иштирокида ўтказилмоқда.

Исломга хос маросимлар, урф-одатлар халқимиз ҳаётига сингиб кетган ва халқнинг турмуш тарзига айланиб қолган. Жумладан, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари мусулмонларнинг анъанавий байрамлари ҳисобланади. Бу байрамларда кишилар қариндош-уруғларидан, кексалардан, касаллардан хабар олишган, урушганлар ярашган. Диний байрамлар фуқароларни бир-бирига яқинлаштирган, бирлигини мустаҳкамлаган. Бу шодиёна байрамларни каттаю-кичик сабрсизлик билан кутган. Халқимиз бу ҳайитларни ишламай, байрамона кийиниб, дам олиб, ўйин-кулги билан ўтказган.

Совет даврида бу байрамларни нишонлаш ман этилган эди. Ҳайит кунлари Совет идоралари, корхоналар, хўжаликларда иш куни бекор қилинмаган, дам олиш, байрам қилишга рухсат берилмаган⁷⁴.

Диний арбобларни диний ишлардан безитиш мақсадида совет органлари ҳар ҳил баҳоналар билан уларга маъмурий чоралар кўрди, хаттоки жиноий жавобгарликка ҳам тортдилар.

Совет органлари норасмий масжидларни, диний арбобларни тугатиш мақсадида Диний назоратга чекланган даражада қўшимча расмий масжидлар ва аҳолининг диний

⁷⁴ Саидбаев Т. Ислам и общества. –М., Наука, 1978.-С.166.

⁷⁵Усмонов М.А. Ислом ақидалари ва маросимлари. –Тошкент: Ўзбекистон,1975.-Б.46.

маросимларини бажарадиган диний арбобларни тайинлашга рухсат берди. Кўрилган чоралар норасмий масжидлар ва норасмий муллалар сонини камайтирди, лекин бутунлай тугата олмади. совет органлари аҳоли томонидан диний ҳайитларни байрам қилинишига қарши бўлган. Ҳайит кунлари иш куни деб эълон қилинган. Ҳайит намози ўқиш фақат давлат очишга рухсат берган, расмий масжидларга ижозат берилган. Ҳайит намозида ёш болаларнинг иштирок этиши ман этилган. Диний назорат совет органлари тазйиқи билан фатволар эълон қилиб, ҳайит намози ўқиш, рўза тутиш, ифторлик қилиш, қурбонлик қилиш, тарових намози ўқиш, Хатми-Қуръон ўқиш чекланган. Совет ташкилотлари диний ташкилотлар моддий базасини заифлаштириш, аҳолига руҳонийлар таъсирини камайтириш мақсадида ҳайит намозлари иштирокчиларидан халта тутиб пул йиғишини ман этиб, масжидларда муҳрланган яшик ўрнатишни ташкил қилган. Бу тадбир ҳайит намозида йиғиладиган пул миқдорини кескин камайтирган ва диний ташкилотлар (масжидлар, мадрасалар, Диний назорат) фаолиятини чеклаган.

Мозорларни, азиз-авлиёларнинг қабрларини, муқаддас жойларни зиёрат қилиш, яъни авлиёларга сиғиниш – мусулмонларнинг диний маросимларидан бири ҳисобланади. Авлиёларга сиғиниш фарз ҳам, суннат ҳам эмас. Маълумки, исломда Оллоҳдан бошқа ҳеч кимга сиғиниб бўлмайди. Муқаддас жойларни ва авлиёларни зиёрат қилиш мусулмонларда одат бўлиб қолган.

«Авлиё» арабча сўз бўлиб, «худога яқин одам» маъносини билдиради. Авлиё кенг маънода келажак воқеаларни олдиндан айтиб берувчи, каромат қилувчи, одамларнинг мушкулини осон қилувчи киши ҳисобланади.⁷⁶ Авлиё деб халқ, одатда, пайғамбарлар, Муҳаммад пайғамбарнинг уруғ-авлодлари, ислом дунёсининг машҳур кишилари, илоҳиёт илмининг атоқли олимларини тушунади. Ана шундай инсонларнинг қабрларини зиёрат қилади. Қуръоннинг сура ва оятларидан тиловат қилиб, дуо қилиб ўз дардига шифо беришни сўрайди. Айрим авлиёларнинг мозорларини зиёрат қилиш касалларнинг дардига шифо беради, туғмас аёлларга фарзанд кўришга ёрдам қилади, деган ривоятлар бўлган. Шунинг учун авлиёлар мозорларини, муқаддас жойларни зиёрат қилиш учун кўплаб зиёратчилар келган. Муқаддас жойларни зиёрат қилинганда, авлиёларнинг мозорларига назр-ниёз, хайр-садақа, қурбонлик қилиш мусулмонларда одат бўлиб қолган. Авлиёлар мозорлари диний ташкилотлар учун катта даромад манбаи бўлган. Шунинг учун республика партия ва совет органлари диний арбобларни илгари эгалик қилган авлиёлар мозорларидан маҳрум қилишга ҳаракат қилган. Мусулмон диний ташкилотлари эса машҳур муқаддас жойларни қонуний асосда ўз ихтиёрига олишга интилган.

⁷⁶ Саксонов Т. «Муқаддас» жойлар – хурофот ва бидъат ўчоғи. –Тошкент: Медицина, 1986.-Б.82.; Исо Жабборов. Тафаккур чироғи ва хурофот. -Т.: 1979.-Б.57.

Совет ҳокимиятининг даҳрийликдан иборат сиёсати исломий обидаларнинг вайрон бўлиши ва қаровсиз қолиб кетиши, диний муассаса ва ташкилотларнинг тугатилиши, диний уламоларнинг қатағон қилиниши каби тузатилмас салбий оқибатларга олиб келди.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда XX асрнинг 20-30 йиллардаги советларнинг ислом динига доир сиёсати октябрь тўнтаришидан кейин ишлаб чиқилган эди.

Феврал инқилоби ўлка ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларида маълум ўзгаришлар бошланишига тўртки берди. Инқилобдан сўнг мадраса, эски мактаблар ҳам ўзларининг эркин фаолиятини олиб бордилар. Ўлкадаги мадраса, мактаблар сони ошиб борди, бироқ октябрь тўнтаришидан сўнг ҳокимият тепасига келган большевиклар мадраса ва мактаблар фаолиятини чеклаш томон сиёсатини бошлади.

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, мадраса ва эски мактабларнинг вақф мулкларини экспроприация қилишга доимий равишда кураш олиб борилди. Жумладан, РСФСР ҳукуматининг “Ер тўғрисида”ги декретига асосан барча ерлар, хусусан, вақф ерлари ҳам давлат мулкига айлантирилди.

РСФСР ХКС томонидан чиқарилган “Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида”ги декретга асосан миллий маориф масканларида диний фанларнинг ўқитилиши чеклаб қўйилди. Декрет чиқарилгандан кейин мактаб, мадрасалар ва улардаги ўқувчилар сони ҳам кескин камайди. Вақф мулкларининг экспроприация қилиниши, мактаб ва мадрасалар фаолиятининг чеклаб қўйилиши маҳаллий аҳолининг жиддий норозиликка сабаб бўлди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ислом дини муассасалари давлат томонидан турли ҳуқуқ ва имтиёزلардан маҳрум қилинди. Шу сабабли ҳам мусулмон руҳонийлари совет ҳукуматига қарши олиб борилган ғоявий-тарғибот ишларида асосий диққат-эътиборини мадраса ва мактабларни очиш масаласига қаратди. Улар ҳукуматдан мадраса, мактаблардан тортиб олинган вақф мулкларини қайтариш ва ушбу масалани ҳал қилиб беришни қаттиқ талаб қилдилар. XX аср 20-йиллари бошларидан кенг қулоч ёзган қуролли қаршилик ҳаракатига мусулмон руҳонийлари ҳам ҳайрихоҳлик билдирдилар.

Совет ҳукумати октябрь тўнтаришининг дастлабки кунларидан бошлаб большевиклар партияси дастуридан, марксизмнинг материалистик дунёқараши ғоясидан, яъни динни инкор этиш, тугатиш ғоясидан келиб чиқиб динга муносабатда бўлди. Чор ҳукумати Туркистонда исломни ижтимоий-сиёсий ҳаётдан сиқиб чиқариш сиёсатини амалга оширган бўлсалар-да, амалда бу сиёсатни жуда эҳтиёткорлик билан қўллаганлар ва мусулмон руҳонийларга ошкора қарши чиқишдан ўзларини тийганлар. Лекин асосан чор ҳукуматининг Туркистонда амалга оширган йўлини давом эттирган Совет ҳукумати дин соҳасида бошқача сиёсат юргазди, динни очикдан-очик таъқиқлади. Эски мактаб, мадраса, масжидларни қўллаб-қувватлашдан бош тортди. Бундай сиёсат натижасида диний

ташкilotларни моддий асоси ҳисобланган вақф мулклари, мактаб, мадрасалар тугатилди. Кўплаб масжидлар ёпилди, айрим қолган масжидлар давлат томонидан тан олинмади, уларнинг фаолият кўрсатишига расман рухсат берилмади.

Рухонийлар, ислом дини арбоблари қатағон қилинди. Диндорлар, диний маросимларда иштирок этганлар маъмурий жазоларга тортилганлар. Атеистик ташвиқот кучайтирилди. Худосизлар жамияти, ташкilotлари, атеистик музейлар ташкил қилинди ва улар омма орасида динга қарши ташвиқот олиб борди.

Маҳаллий аҳоли ҳамда улар ичида катта таъсирга эга бўлган мусулмон рухонийларининг норозилиги совет ҳукумати бу борадаги сиёсатини қайта кўриб чиқишга сабаб бўлди. Шу сабабдан ҳам Туркистон Компартияси ўлкадаги маҳаллий шароитнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, қуролли қаршилик ҳаракатининг кучайиб боришини ҳисобга олиб, ислом динига маълум эркинлик бериш, вақф мулкларини мадраса, мактабларга қайтариб бериш масаласи ҳақида ҳам қарор қабул қилди.

1923 йилдан эски мактаб ва мадрасалар Маориф халқ комиссарлигининг Бош вақф бошқармаси томонидан ислоҳ қилиниб, уларнинг дастурларига дунёвий фанлар ҳам киритилди. Мактаб, мадрасаларни ислоҳ қилиш ва янги усул мактабларига айлантириш дастурини Бош вақф бошқармасининг академик бўлими мудир, жадидчилик ҳаракатининг ёрқин арбоби Мунаввар Қори Абдурашидхонов ишлаб чиқди. Ўтказилган ислохотларга биноан барча эски мактаб, мадрасалар янги усул мактаб ва мадрасаларига айлантирилди, бироқ ислохотлар жараёни узокқа чўзилмади, 1924 йилдан улар ягона меҳнат мактабларига айлантирилди. Бу эса ушбу мактабларнинг советлаштириш жараёни бошланганлигидан далолат берар эди. Мактаблар биринчи босқич, мадрасалар эса иккинчи босқич совет мактабларига айлантирилди. Мазкур мактабларда диний фанларнинг ўқитилиши таъқиқлаб қўйилди.

Туркистон мусулмон аҳолиси мактаб, мадрасаларни советлаштирилиши жараёнига қарши бўлдилар. Шунинг учун ҳам янги усул мактабларини ёпилиши ва совет мактабларини очилиши аҳолида каттиқ норозилик туғдирди. Бу чора-тадбирлар маъмурий зўравонлик услуби асосида олиб борилди. Эски мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш жараёни кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди.

1925 йилдан бошлаб республикадаги кўплаб мадраса, мактабларнинг зўрлик билан ёпиб қўйилиши жиддий норозиликларга сабаб бўлди. Улар ёпиб қўйилгач, уламолар, шунингдек, тингловчиларнинг ота-оналаридан бу масканларни қайтадан очиб бериш тўғрисида ҳукумат ташкilotларига кўплаб ариза ва шикоятлар тушди. Давлат органлари томонидан бу шикоятлар инобатга олинмади ва ҳеч қандай чоралар кўрилмади. Бу воқеа

хокимият органларининг маҳаллий аҳоли хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмаганлигини исботлайди.

1927 йил июнида бўлиб ўтган Ўзбекистон КП (б) МК VI пленумида қабул қилинган “Рухонийлар ва мактаб тўғрисида” ги қарори эски мактаблар фаолиятига буткул чек қўйишлигини алоҳида таъкидлади. Дин, диний муассаса ва мактабларга 20-йиллар биринчи ярмидаги маълум эркинлик ҳамда ён бериш партиянинг ўзига хос “тактик усули” эканлиги очиқ маълум бўлди.

1928 йилдан бошлаб совет ҳукумати диний мактабларга қарши қатъий кураш бошлади. Ўз ССР МИК Советлари 1928 йил 18 ноябрда “Эски усул мактаб ва мадрасаларни тугатиш тўғрисида” ги қарорни чиқарди. Ушбу қарорга асосан барча диний мактабларнинг ёпилиши кўзда тутилди. Шундай турдаги мактабларни ташкил қилувчи муаллимлар, домлалар совет қонунлари асосида жавобгарликка тортилиши назарда тутилган эди. Қарорга мувофиқ барча диний мактаблар тугатилди. Бу ҳолат эса ўзбек халқи миллий маориф тизимига салбий таъсир қилди, маҳаллий аҳолида норозилик кайфиятини уйғотди.

Совет ҳукумати номигагина масжид очишга рухсат берган ва уларнинг фаолиятини кескин чеклаган. Масжидлар диндорларнинг аризасига асосан республика ҳукуматининг қарори, совет ташкилотлари ва Диний назорат хулосалари асосида диний ишлар бўйича кенгаш тавсияси билан СССР Министрлар Совети қарори билан очилган. Масжид очиш ортиқча марказлашган эди. Бир гуруҳ ҳужжатлар совет органлари ҳар хил баҳоналар билан масжидларни очишга рухсат бермаганлигини кўрсатади. Очишни сўраган жамоага масжид биноси санитария, техник ва ёнғин талабларига жавоб берилмаса, очишга рухсат бермаган. Хонлик даврида қурилган эски масжидлар замонавий талабларга жавоб бермас эди. Шу ҳолатни баҳона қилиб кўп ҳолларда масжидни очишга рухсат бермаган. Диндорларнинг ўзлари ҳисобидан қурилган янги масжидларга эса, рухсатсиз қурилган деб ижозат бермаган. Масжид очиш сўралган туманда, шаҳарда бошқа очилган масжид бўлса ҳам, янги масжид очишга рухсат берилмаган.

Диний назоратнинг масжидларни очилишига ва фаолиятига оид ҳужжатлари жуда қимматлидир. Диний бошқарма раиси совети органларига диндорлар талабига асосан у ёки бу аҳоли яшайдиган жойларда масжид очишни сўраб хатлар ёзган. Диний назорат масжид имом ва хатибларини имтиҳон қилиб, лойиқларини лавозимларга тайинлаган ва диний ишлар бўйича кўрсатмалар, тавсиялар бериб турган.

Совет органлари норасмий масжидлар ва уларнинг имомларини тугатишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар кўрган. Норасмий масжидларни тугатиш тўғрисида СССР Диний ишлари бўйича кенгаш Ўзбекистондаги вакилига кўрсатмалар берган.

Ўзбекистондаги диний ишлар бўйича кенгаш вакили ташкил бўлган дастлабки йиллардан бошлаб норасмий масжидларга қарши қатъий кураш олиб борган. Норасмий масжидларни ташкил бўлиши йўлларида бири диндорлар бўш масжидларни таъмирлаб, ўз орасидан имом сайлаб, намоз ўқиш бўлган. Шунинг ҳисобга олиб, Диний ишлар бўйича кенгашлар вакиллари бўш масжид биноларини ижроқўмлар орқали колхоз ва идораларга халқ хўжалик мақсадлари учун фойдаланишга топширишни ташкил қилган. Республика кенгаши вакили, вилоят кенгаши вакиллари, район, шаҳар, вилоят ижрокомлари ёрдамида норасмий масжидларни ёпиш, у масжидлар ходимларини солиққа тортиш тўғрисида топшириқлар берган. Норасмий масжидларга қарши кураш асосан вилоят диний ишлар бўйича кенгаш вакиллари томонидан амалга оширилганлигидан, улар руҳонийлар рўйхатини тузиб, молия бўлимларига топширган. Молия органлари норасмий масжидлар ходимларига катта миқдорда солиқ солганлиги ва бунинг оқибатида кўпгина норасмий масжидлар имомлари ўз вазифаларини ташлаб кетган. Бир норасмий масжидни ёпса, бошқа норасмий масжид яширин фаолият кўрсатаверган. Охир оқибатда, совет органлари расмий масжидлар очиб, норасмий масжид диндор қавмларини расмий масжидларда намоз ўқитишга жалб қилишга ва шу йўл билан норасмий масжидларни тугатишга уриндилар.

Рамазон ва Қурбон ҳайитлари аҳоли ўртасида меҳр-оқибат, муруватни барқарорлаштирувчи, аҳоли бирлигини, халқлар дўстлигини мустаҳкамловчи миллий умумбашарий қадриятлардан ҳисобланади. Бу маросим халқимиз ҳаётига сингиб кетган. Шу сабабли қадим замонлардан бери халқ томонидан авайлаб сақланиб келинмоқда. Совет даврида Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари совет ташкилотларида иш куни бекор қилинмаган, дам олиш, байрам қилишга рухсат берилмаган, байрамларни нишонлашга қарши курашган. Ўзбекистон Диний ишлар бўйича кенгаш вакили деярли ҳар бир ҳайит арафасида диний назорат, вилоятлар кенгаш вакиллари, совет ва партия органлари ҳайитларни ўтказишни чеклаш бўйича хатлар, тавсиялар йўллаб турган. Вилоят Диний ишлар бўйича кенгаш вакиллари масжидлар ходимлари, совет ва партия органлари, мафкура ташкилотлари раҳбарлари иштирокида мажлис ташкил қилиб, ҳайитни ўтказиш, ҳайит намозини чеклаш тартиб қоидаларини тушунтирган. Диний назорат республика кенгаш вакили кўрсатмаси билан рўза тутиш, Рамазон ҳайитини ўтказиш ва Қурбон ҳайитини нишонлаш, қурбонлик қилишни чеклаш тўғрисида фатволар эълон қилган. Норасмий масжидларда диний назорат рухсат бермаган муллаларга ҳайит намозини ташкил этиш ман этилган. Қурбонлик қилиш суннат, шарт эмас, деб кўрсатма берган. Ҳайит намозларида ёш болаларнинг иштирок этиши ман этилган. Тарових намози ўқиш, хатми-Қуръон ўтказиш ҳам чекланган, айрим расмий масжидларга рухсат берилган ҳолос.

Диний назоратнинг, совет органларининг тазйиқи билан ҳайит намозини, тарових ва хатми-Қуръонни чеклашга қарамай, рухсат берилмаган жойларда ҳайит намозлари ўқилди. Яширин тарових, хатми-Қуръонлар ўқилди. Натижада аҳолини бу маросимларда иштирок этиши дастлабки йилларда кенгайиб борди. Кўплаб ҳужжатлар совет органлари томонидан ҳайит намозларида қатнашганлар сонини ва тўпланган хайр-эҳсон пуллари миқдорини қатъий назорат қилиб борганлигини ва уларнинг миқдорини камайтиришга чоралар кўрганлигидан гувоҳлик беради.

Совет органлари диний ташкилотларни моддий томондан заифлаштириш мақсадида ҳайит намозидан аҳолидан йиғиладиган ихтиёрий ионани камайтиришга ҳаракат қилган. Шу мақсадда республика диний ишлар бўйича кенгаш вакили диний ташкилотларга ҳайит намози қатнашчиларидан халта тутиб пул йиғмасдан, масжидга яшиқлар ўрнатишни талаб қилган. Бу тадбир ҳайит намозидан пул йиғилишини кескин камайтирган. Расмий масжидларнинг камайрилиши ҳам руҳонийларнинг ҳайит намозларида пул йиғиш имкониятини қисқартирган. Фитр-садақани уйма-уй юриб йиғиш ман этилган. Вилоят диний ишлар бўйича кенгаш вакили республика кенгаш вакилига Рамазон ва Қурбон ҳайитларини ўтганлиги ҳақида ахборот берган. Ўзбекистон диний ишлар бўйича кенгаш вакили республика совет ва партия органларига республика бўйича умумлашган маълумотлар берган.

XX асрнинг 20-30 йиллари ислом динига қарши қатъий кураш олиб борилди. Масжид, мадраса, эски усул мактаблари ёпилди, мусулмон руҳонийлари қатоғон қилинди. Рўза, Қурбон ҳайитларини ўтказиш чекланди. Иккинчи жаҳон урушининг оғир шароитида совет ҳукумати динга, жумладан ислом динига, масжидлар очишга чекланган даражада эркинлик берди. Ўрта Осиё мусулмонлари диний назоратини ташкил қилди. Диний назоратни, масжидларни фаолиятини кескин чеклади. Фақат мустақиллик шарофати билан ислом динига, диний ташкилотларга, масжидлар ташкил қилишга эркинлик берилди. Мусулмонларга ҳаж сафарига боришга йўл очиб берилди ва давлат томонидан ёрдам берилмоқда. Рўза, Қурбон Ҳайит кунлари дам олиш куни деб эълон қилинди ва ҳалқимиз бу байрамларни шодиёна ўтказмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Расмий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003.-36 б.
- 1.2. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрир). Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари. – Т.: “Адолат”, 1998.-225 б.
- 1.3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.-16 б.
- 1.4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
- 1.6. Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
- 1.7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 226 б.
- 1.8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 1.9. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
- 1.10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 224 б.
- 1.11. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: Ўзбекистон, 2011.-439 б.

2. Эълон қилинган ҳужжатлар ва тўпламлар, статистик нашрлар

- 2.1. Ислам в татарском мире: история и современность (Материалы международного симпозиума, Казань. 29 апреля – 1 мая 1996 г.). – Казань: институт истории Академии наук Татарстана, 1997. – 379 с.
- 2.2. Ислом ва дунёвий давлат (халқаро илмий-назарий конференция материаллари). – Т.: 2003.
- 2.3. Ўзбекистон ёшларида дунёқараш уйғунлигининг шаклланиши муаммолари. (Э.Каримов ва бошқа.) – Т.: Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004.-112 б.

2.4. Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши: мустақиллик, Бухоро ва миллий-диний қадриятлар (Бухоро шаҳри, 6 июнь). – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материалларининг баёни. 1-китоб; / ЎзРесп. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. - Т.: 2001.-79 б.

2.5. Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши: мустақиллик, Самарқанд ва миллий-диний қадриятлар (Самарқанд, 20 июнь). – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материалларининг баёни): 2-китоб / ЎзРесп. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. – Т., 2001.- 72 б.

2.6. Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши: мустақиллик, Хоразм ва миллий-диний қадриятлар (Хива, 4 июль. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материалларининг баёни): 3-китоб / ЎзРесп. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси.– Т., 2001.- 86 б.

2.7. Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши: мустақиллик, Андижон ва миллий-диний қадриятлар (Андижон, 20 июль Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материалларининг баёни): 4-китоб / ЎзРесп. Имом ал –Бухорий халқаро жамғармаси.– Т., 2001. -99 б.

2.8. Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши: мустақиллик, Наманган ва миллий-диний қадриятлар (Наманган, 1 август Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материалларининг баёни): 5-китоб/ ЎзРесп. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. – Т., 2001. -98 б.

2.9. Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши: мустақиллик, Фарғона ва миллий-диний қадриятлар (Фарғона, 9 август Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материалларининг баёни): 6-китоб/ ЎзРесп. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. – Т., 2001. -98 б.

2.10. Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши: мустақиллик, Тошкент ва миллий-диний қадриятлар (Тошкент, 17 август Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материалларининг баёни): 7-китоб/ ЎзРесп. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. – Т., 2001. -174 б.

2.11. Миллий мафкура ва диний кадриятлар: илмий-амалий анжуман тезислари. – Т.: 2000. – 44 б.

2.12. Дин ҳақида ўйлар: тўплам (Тузувчилар: Х.А.Алиқулов ва б.). – Т.: Ўзбекистон, 1988. – 117 б.

2.13. Атеизм ва дин (оммабоп суҳбатлар). Масъул муҳаррирлар: Д.Н.Ғаниев ва б. – Т.: Ўзбекистон, 1974.-181 б.

3. Адабиётлар

3.1. Абдуқодиров А. Обидалар жилваси. – Т.:Ўзбекистон, 1972.- 64 б.

3.2. Абдурахмонов А. Дин ва сиёсат: илмий-услубий қўлланма. Наманган: Наманган нашр., 2001. – 104 б.

3.3. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. – Т.: “Мовароуннахр”, 2004. -704 б.

3.4. Абдусамедов А.И. Социал тараққиёт ва ислом. – Т.: Ўзбекистон, 1984. – 153 б.

3.5. Абдусамедов А.И. Фан ва дин. – Т.: Ўзбекистон КПМК нашриёти, 1971. – 40 б.

3.6. Абдусамедов А.Э. Рўза: -Келиб чиқиши, моҳияти, зарари / ЎзССР “Билим” жамияти. - Т.: 1985. -19 б.

3.7. Авлиёлар ўғити / Муҳаррир Б.Каримов. – Т.: 1994. – 16 б.

3.8. Агаронян А. Дин йўлидан дил йўлига.– Т.: Ўзбекистон,1970. – 72 б.

3.9. Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон. – Т.: Ўзбекистон, 1991. – 112 б.

3.10. Алимов И.А. Из истории решения вакфного вопроса в первые годы советской власти в Узбекистане октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. – Т., 1991-С 239-254.

3.11. Алимов И.А. Левацкие перпгибы в решении религиозного вопроса в ТАССР. // Общественные науки в Узбекистане. – 1991. № 1 = С 31-40.

3.12. Алимов И.А. Эски мактаб ислохоти ташаббускори (Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳақида) - // Халқ таълими. - 1993. - № 10-12. – Б 5-8.

3.13. Алимов И.А.Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши.-Т., Фан, 2009.– 222 б.

3.14 Алимухамедов А. «Муқаддас» ва «қадамгоҳ» жойлар ҳамда уларнинг зарарлари (Фарғона вилояти мисолида). – Т.: Ўзбекистон КП МК нинг нашриёти, 1966 («Билим» жамияти). – 48 б.

3.15 Алимухамедов А. Ислом динидаги маросимчилик ва урф-одатлар. – Т.: Ўзбекистон, 1969. – 109 б.

- 3.16. Алимухамедов А. Сущность попыток приспособления обрядов и обычаев ислама к современным условиям (на материалах Узбекистана). – Т.: 1967. – 243 С.
- 3.17. Аҳмаджонов У. Қосимзода ва Юлдашев Н. Ислом динида авлиёларга ва уларнинг мазорларига сиғиниш. – Т.: «Қизил Ўзбекистон», «Правда востока» ва Ўзбекистонни Сурх. нашриёти, 1959. – 67 б.
- 3.18. Аҳмедов О. Ислом ва ҳозирги ғоявий-сиёсий кураш. – Т.: «Ўзбекистон», 1986 – 296 б.
- 3.19. Аминжонова М. Е. Кадимий ёдгорликлар кассаси – Т. : Ўқитувчи 1968. - 112 б
- 3.20. Аширов Н. Эволюция ислама в СССР. - М.: Политиздат, 1973. - 152 с.
- 3.21. Болтанов Р., Гильфанов И. Реакционная сущность Корана. – Казань, 1962. – с. 80.
- 3.22. Балтанова Г.Р. Ислам в СССР: Анализ заруб.концепций. – Казань: Изд. Казан.ун-та, 1991. – 146 с.
- 3.23. Басилов В.Н. Культ святых в исламе. – М.: Мысль, 1970. – 144 с.
- 3.24. Бахромов Абдурашид қори. Ислом ва маърифат: мақолалар, маърузалар, фатволар. - Т.: Мовароуннахр, 2002. – 79 б.
- 3.25. Бобохонов Ш. Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон: Жизнь и деятельность – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 1999. – 352 б.
- 3.26. Бобохонов Ш.. Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон (Маънавият ва ибрат мактаби). – Т.: 2001. – 286 б.
- 3.27. Бозоров О. Худойқулов А. Ахлоқий кадриятлар ва ислом. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. – 62 б.
- 3.28. Болтанов Р. Гильфанов И. Реакционная сущность корана. – Казань; 1962. – с. 60.
- 3.29. Давлатбоев Т. Авлиёларга сиғиниш ва унинг зарарлари. – Т.: «Билим», 1979. – 24 б.
- 3.30. Джаббаров Иса. Общественный прогресс, быт и религия. – Т.: «Узбекистан», 1973. – 219 с.
- 3.31. Дин – маънавий оғунинг бир тури. / Мақолалар тўплами. - Т.: Ўзбекистон, 1972. -95 б.
- 3.32. Дин ҳақида ўйлар./ Тўплам тузувчилар: Х.А.Алиқулов ва б. - Т.: Ўзбекистон, 1988.-117 б.
- 3.33. Дин, дин тарихи, атеизм тарихи ва назарияси сўзлиги. – Т.: Фан 1967. – 19 б.

- 3.34. Диний экстремизм, фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги ҳавфи. Махсус курсни ўрганиш бўйича методик тавсиялар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1999. – 96 б.
- 3.35. Диншунослик асослари « курсидан Амалий машғулотлар учун қўлланма / масъул муҳаррир А.Абдусмедов. – Т.: Университет, 1995.-42 б.
- 3.36. Диншунослик: ўқув қўлланма. курсидан Амалий машғулотлар учун машғулотлар учун қўлланма /Масъул муҳаррир Н.Комилов . – Т.:ТДЮИ , 2005. – 122 б.
- 3.37. Долгих Ф.И. Нима учун динга қарши курашамиз? - Т.: «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх нашриёти», 1961. – 40 б.
- 3.38. Ежов А.Ф Ислом реакция ва антикоммунизм хизматида Т.: Узбекистон, 1986. – 38 б.
- 3.39. Ёқубов Б. Халқ байрамлари ва урф-одатлари. Т.: Ўзбекистон, 1965. – 48 б.
- 3.40. Еришев А. Дин халқлари тенг ҳуқуқлиги ва дўстлигининг душманлари. – Т.: Қизил Ўзбекистон, Правда Востока ва Ўзбекистон Сурх нашриёти, 1962. - 61 б.
- 3.41. Жабборов И. Зулматдан маърифатга. – Т.:“Ёш гвардия”, 1984. - 127 б.
- 3.42. Жабборов С. Қуръон афсоналари ва ривоятлари. Т.:Фан, 1986. - 54 б.
- 3.43. Жабборов И. Тафаккур чироғи ва хурофот. – Т.: Ўзбекистон, 1979. – 212 б.
- 3.44. Жабборов И. Худолар, авлиёлар ва одамлар: илмий-оммабоп атеистик лавҳалар (масъул муҳаррир Т.Саидбоев). – Т.: «Ёш гвардия», 1985. – 144 б.
- 3.45. Жуманазаров У. Дин ва унинг социал пуч моҳияти. Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах, 1987. – 42 б.
- 3.46. Жўраев У., Сайиджонов Й. Дунё динлари тарихи. – Т.: Шарқ, 1998. – 174 б.
- 3.47. Закурлаев А. Ғоялар кураши. /Масъул муҳаррир И.Олим Шайх - Т.: Мовароуннаҳр. 2000. – 63 б.
- 3.48. Замонамиз уламолари. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2001. – 95 б.
- 3.49. Ислам: Историогр.очерки. – М.: Наука, 1991 – 232 с.
- 3.50. Ислам: Религия, общество, государство. (сб.ст.) / АН СССР, ин-т востоковедения. – М.: Наука, 1984 – 232 с.
- 3.51. Ислом динининг асослари./ Тузувчи С.Хасанов; масъул муҳаррир В.Мусаев. – Т.: Внешторгиздат. 1991. – 32 б.
- 3.52. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Т.: Тошкент Ислом университети нашри, 2001. – 240 б.
- 3.53. Ислом тарихи ва маънавият. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. – 112 б.

- 3.54. Ислом Энциклопедияси: А-Х. / Зухриддин Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат илмий нашр., 2004. – 320 б.
- 3.55. Исо Жаббор, Санжар Жабборов. Жаҳон динлари тарихи. – Т.: 2002. – 224 б.
- 3.56. Каримов И. Замонавийлаштирилаётган исломий шахс камолига заволи. - Т.: 1979. – 27 б.
- 3.57. Комилов О.К. Ўзбекистон миллий таълимидаги ўзгаришлар (XX асрнинг 20-йиллари).–Т.: Akademnashr, 2010. – 120 б.
- 3.58. Мавлютов Р.Р. Ислам. – М.: Политиздат, 1969. – 159 с.
- 3.59. Маданият, маънавият, дин: ҳамкорлик чегаралари. Ислом тарихи саҳифалари ва ҳозирги давр: методик-библиографик кўлланма. А.Навоий номидаги Ўзбекистон кутубхонаси. – Т.: 2002. – 58 б.
- 3.60. Макатов И. Ислом ва Ўрта Осиё халқларининг миллий анъаналари. //Атеистик суҳбатлар. – Т.: 1990. – 188 б.
- 3.61. Маҳкамов С. Ислом дини. – Т.: Ф.Ғуллом, 2000. – 32 б.
- 3.62. Мустафаева Н. Ўзбекистонда совет ҳукуматининг диний сиёсати. //Ўзбекистон тарихи. - №2, 2005. 35-43-б.
- 3.63. Мусулманские праздники – М.: СП «Корана»: РИФ «Корона-принт», 1990. – 63 с.
- 3.64. Орифжонов М. Урф-одатларим қанотларимми ёки кишанларим?! /масъул муҳаррир Қ.Шодиев. - Т.: Фан, 1991. - 34 б.
- 3.65. Ортиқов А. Ижтимоий тараққиёт ва диннинг кризиси. – Т.: Ўзбекистон, 1979. – 32 б.
- 3.66. Ортиқов А. Ўзбекистонда ислом ва мусулмонлар аҳволини сохталаштиришни танқид. – Т.: 1981. – 23 б.
- 3.67. Оқмуродов Т. Ўқувчиларда илмий – атеистик дунёқарашни шакллантириш – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 96 б.
- 3.68. Орипов М. Ўрта Осиёда Ислом дини ва атеистик тарбия. - Т: Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти 1990.- 52 б
- 3.69. Петраш Ю.Г. Қадамжолар сири. – Т.: Ўзбекистон, 1965. – 106 б.
- 3.70. Петрушев Д.А. Ислом дини ва унинг реакцион моҳияти. - Т.: «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриёти, 1961. – 38 б.
- 3.71. Платонов Г.В. Дарвинизм ва дин. /Русча 2-нашрга мувофиқ 2-нашри. - Т.: «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх нашриёти», 1956. – 68 б.
- 3.72. Пулатов Ғ. Эътиқодлар кураши. – Т.: 1964. – 44 б.

- 3.73. Раҳимов И. Прогрессив миллий традициялар ва диний урф-одатлар. – Т.: Қизил Ўзбекистон, 1962. – 36 б.
- 3.74. Раҳмонов А., Юсупов С. Хоразмда «муқаддас жойлар» ва уларнинг вужудга келиш сирлари. – Т.: «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх нашриёти», 1963. – 28 б.
- 3.75. Саидбаев Т. Совет турмуш тарзи ва ислом дини. - Т.: Ўзбекистон, 1979. – 29 б.
- 3.76. Саидбаев Т.С. Ислам и общество. – М.: Наука, 1984. – 302 с.
- 3.77. Саййид Муҳаммад Ҳотамий. Ислам тафаккури тарихидан. – Т.: Минҳож, 2003. – 288 б.
- 3.78. Саксонов Т. Муқаддас жойлар – хурофот ва бидъат ўчоғи. 2-нашри. – Т.: Медицина, 1986. – 86 б.
- 3.79. Саксонов Т., Хошимов М. Хўш нимаси муқаддас? – Т.: 1985. – 64 б.
- 3.80. Саттаров М. Ўзбек удумлари. – Т.: “Фан”, 1993. – 112 б.
- 3.81. Сиддиқов Т. Рўза ва Қурбон ҳайити ҳақида. – Т.: Ўздавнашр, 1961. -15 б.
- 3.82. Тошланов Т. Миллий урф-одатлар. – Т.: Ўзбекистон, 1986. – 23 б.
- 3.83. Умаров М.Сароб ва ҳақиқат: Дин ҳақида. - Т.: Ёш гвардия, 1972. -52 б.
- 3.84. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Т.: Шарқ, 2002.– 240 б.
- 3.85. Усмонов М.А. Ислам ақидалари ва маросимлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1975. – 143 б.
- 3.86. Усмонов М.А. Ислам ақидалари ва уларнинг моҳияти. – Т.: «Ўзбекистон», 1972. – 40 б.
- 3.87. Усмонов М.А. Ислам динининг реакцион моҳияти ва атеистик тарбия: атеистик кутубхонаси. – Т.: 1986. – 22 б.
- 3.88. Ўрунхўжаев М. Ислам дини хусусида. – Т.: Ўзбекистон КПКМ нинг бирлашган нашриёти, 1968. – 30 б.
- 3.89. Фозил қори Ёсин қори ўғли. Ислам эзгулик дини. - Т.: Мовароуннаҳр, 1999. – 32 б.
- 3.90. Шермухамедов С.Ш. Дин ва шахс. Т.: 1963. – 72 б.
- 3.91. Ширинбоев Ш. Диний маросимлар тўғрисида ҳақиқат. – Т.: Ўзбекистон КПКМ нинг бирлашган нашриёти, 1966. – 38 б.
- 3.92. Шокиров Юсуфхон Олимхон ўғли. Ислам, ақида, ибодат ва ҳаёт тарзи: - Т.:Меҳнат, 1990. – 168 б.
- 3.93. Эркаев А.П. Истиклол ва ислом. – Қарши, 1993. – 26 б.
- 3.94. Юлдашхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. – Т.: ЎАБЖНТ маркази, 2000. – 132 б.

3.95. Юнусова Х. Ўзбекистонда Совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 80-йиллар мисолида). / масъул муҳаррир Р.Х.Муртазаева. Ўзбекистон миллий университети. – Адабиёт ва санъат нашриёти, 2005. – 116 б.

3.96. Юсупов Э. Исломи динининг келиб чиқиши ва унинг зарарлари. /ЎзССР сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамияти. Лекторга ёрдам. – Т.: 1962. – 17 б.

3.97. Юсупов Э. Истиқлол йўлида. – Т.: Фан, 1996. – 135 б.

3.98. Янбулатов Х., Газетдинов А. В чем вред обрядов и праздников ислама. – М.: 1960. – 45 с.

4. Диссертация ва авторефератлар

4.1. Абдурахмонова Ж.Н. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги катағонлик сиёсати (Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисолида 1925-1941 йй.): Тарих фан. номз. ... дисс.автореф. -Т.: Ўз МУ, 2002.-31 б.

4.2. Исоқбоев А.А. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маърифатпарварларининг фаолияти (XIX аср охири –XX аср бошлари): Тарих фан. номз. ... дис. автореф.-Т., 2008.-28 б.

4.3. Кенжаев Д.М. Исламские ценности в воззрениях джадидов и их концепция духовного реформирования общества: Автореф. дис. ... канд. ист. наук.- Т., 2008.- 27 с.

4.4. Комилов О.К. XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон миллий маорифидаги ўзгаришлар: Тарих фан. номз. ... дис. автореф.-Т., 2009.-30 б.

4.5. Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX аср охири XX асрнинг 20-йиллари): Тарих фан.номз. ... дис.-Андижон : АДУ, 1996.- 173 б.

4.6. Салмонов А.М. Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар тарихи (1917-1950 йй.): Тарих фан. номз. ... дис. автореф.-Т., 2008.-33 б.

4.7. Юсупов Р.М. Ўзбекистонда XX асрнинг 40-80 йилларида мусулмон диний ташкилотлари ва уламолар фаолияти): Тарих фан.номз. ... дис.-Т., 2008.-163 б.